



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
CHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 40 (4542)
2019 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРЬ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонуннинг имзолаши тили, дини ва урф-одатлари бир-бирига муштарак бўлган қўшни ва қардош мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалар ривожига сезиларли бурилиш бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев илк марта Ўзбекистон номидан фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари ўша саммитда сўзга чиқиб, бу халқларни тил, муштарак маънавий қадриятлар ва қардошлиқ ришталари бир-бирига боғлаб туришини, аynи кунда Кенгашнинг сиёсий кун тартибиде ҳеч бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини таъкидлаб, жумладан, шундай деган

ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧДА

Айтиш керакки, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши халқаро ташкилот ҳисобланиб, унинг асосий мақсади туркий тилли мамлакатлар ўртасида дўстлик ва қўшничиликни янада мустаҳкамлаш, ҳудудда ва жаҳонда тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилгандир. Дастлабки босқичда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига Туркия, Озарбайжон, Қозғистон ва Қирғизистон аъзо бўлиш-

ган. Ташкилотда Венгрия кузатувчи мамлакат саналади. Мазкур Кенгаш сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мада-

▶ ТЕРАН ТОМИРЛАР

нийят ва спортга оид барча масалаларда ўзаро ҳамкорликни кўзда тутди. Ташкилотнинг 2018 йил 3 сентябрда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитида

эди: "Мамлакатларимиз долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётини манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда".

▶ 2

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Кейинги уч йил давомида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришларнинг барчаси ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш, халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашдек улуг мақсадларга хизмат қилаётгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлиб, уларнинг доирасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Шу асосда Ўзбекистоннинг очик ва демократик давлат сифатидаги янги қиёфаси шаклланиб, тобора кучайиб бораётгани шу юрт фуқароси сифатида барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди.

Яқинда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш ҳақида"ги қонуннинг имзолагани ҳамда мамлакатимиз мазкур нуфузли тузилманинг тўлақонли аъзосига айлангани Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги барча тараққиётлар билан халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик йўлини изчилик ва қатъият билан да-

вом эттираётганини яна бир бор яққол намоён этди.

Маълумки, тили, дини, турмуш тарзи, урф-одатлари ўзаро яқин ва муштарак бўлган туркий халқлар жаҳон халқлари оиласида, умумбашарий тараққиётни таъминлашда доимо ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб келган. Ана шу туркий оламнинг ажралмас бир қисми бўлган Ўзбекистон ўзининг қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданий анъаналари, улуг алломалари, жасур саркардалари билан ушбу тараққиёт жараёнида ҳамisha муҳим ўрин тутиб келмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда янги ҳамакорлик руҳини яратиш бўйича илгари сураётган ташаббуслари ва бу йўлдаги амалий саъй-ҳаракатлари туфайли Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи, обрў-эътибори тобора ортиб бораётган бугунги кунда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиб киришимиз, аввало, ушбу ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишда, унинг доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришда, шубҳасиз, янги, янада кенг имкониятлар очади.

Ҳақиқатан ҳам, ўзаро қардош бўлган халқлар, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг чуқурлашиб бориши кенгашга аъзо барча давлатлар учун янги тараққиёт истикболларини очади.

▶ 2

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги ИЖОД МАКТАБЛАРИДА ҚОДИРИЙХОНЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида барча Ижод мактабларида очик дарслар, учрашувлар, адабий кечалар, ижодий беллашувлар ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда.

Огаҳий номидаги Ижод мактабиде она тили ва адабиётни фани ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Мадина Матқубова "Абдулла Қодирий – буюк ёзувчи" мавзусида маҳорат даси ўтказди. Ўқувчилар ўртасида "Қодирий – илк ўзбек романи" мавзусида иншолар танлови, "Қодирий асарлари билимдони" мавзусида кўрик-танлов ташкил этилди. Сентябрь

ойи давомида ўтказилган "Маънавият соатлари"да Абдулла Қодирий ижодида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Исҳоқхон Ибрагимов номидаги Ижод мактабиде "Қодирийни ўрганамиз" номли адабий учрашув бўлиб ўтди. Мактаб кутубхонасида "Абдулла Қодирий асарлари билимдони" танлови ўтказилди. Кўрик-танлов натижасига кўра Хусанбоева Севинч 1-ўрин-

ни, Абдусатторова Дилдора 2-ўринни, Махмуджоннова Шодия 3-ўринни эгаллади ва улар адиб китоблари билан тақдирланди. Катта ўқитувчи М. Тўраев "Абдулла Қодирий асарларининг ўзбек адабиётида тутган ўрни" мавзусида маҳорат дасини олиб борди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Солиқ Сайхун иштирокида "Қодирийни ёд этиб" номли адабий-бадийи учрашув бўлиб ўтди. "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолиби, тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Муяссар Боқихонованинг "Ўткан кунлар" романига бағишланган даси ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

▶ 2

ИЛК КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида илк китоблари чиққан йигирма икки нафар ёш ижодкорга оқ йўл тилаб, ушбу тўпламларнинг тақдимот маросими ўтказилди. Тадбирда уюшма аъзолари, устоз адиб ва шоирлар, адабиётшунослар, ноширлар ва талаба-ёшлар иштирок этди. Ёзувчилар уюшмасининг "Биринчи китобим" лойиҳаси ёш ижодкорлар ўртасида катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас: аввало, лойиҳага тақдим этилган машқлар устоз адиблар томонидан ҳолис баҳоланади, муаллифлар эса ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида адабиёт анжуманида иштирок этади.



Ғолиб деб топилган кўлэмалар "Ижод" фонди ҳомийлигида ун минг нусхада чоп этилади. Ушбу китоблар тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда, юртимиздаги турли ўқув муассасаларида тарқатилади. Муаллифларга яшиғи-на калам ҳақи тўлаш ва китобларидан улашмиш ҳам ёш ижодкор учун ўзига хос рағбатлантириш саналади. Илк китоблар лотин ва кирилл алифбосида чоп этилган. Тақдимот доирасида матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди. "Биринчи китобим" лойиҳаси бўйича кўплаб саволларга жавоб берилди.

1 октябрь — Ёқитувчи ва мураббийлар кунин



Бухоро шаҳридаги сув спорти турларида ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде ёшларнинг жисмоний чиниқиши ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён этиши учун барча шароит яратилган.

Мажмуада 12 ёшгача бўлган болалардан иборат соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилган. Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, синхрон сузиш бўйича спорт устаси

Сабринисо Ҳаётова ушбу гуруҳларда ёшларга сузиш сирларини ўргатади. Унинг қўл остида маҳорат ошираётган ёшлар мамлакат миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Суратда: мураббия Сабринисо Ҳаётова шоғирлари билан.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат



Ҳазрат Навоий инсон ва борлиқ фалсафасини тушунтиришда, қомил Инсон ва Жамиятни тарбиялашдек буюк миссияни амалга оширишда тасаввуф таълимотидан кенг фойдаланган. Навоийшунос олим Шухрат Сирожиддиновнинг "Алишер Навоий ақидалари. Биринчи сўхбат" ("Navoiy universiteti nashriyot-matbaa uyi") рисоласида Навоийнинг сўфиёна ақидалари ва ғоявий мақсадларининг мазмун-моҳияти улуг мутафаккирнинг инсон феноменига, дин ва жамиятдаги муносабатларга қандай ёндашганлигини аниқлаштириш орқали тушунтириб берилган. Куйида ана шу рисоладан бир фасл эътиборинизга ҳавола этилаётир.

ИНСОН БУРЧИ

▶ НАВОЙНИ АНГЛАШ

Инсон ким? Инсоннинг бу дунёдаги асосий вазифа ва бурчлари нимадан иборат? Бу саволлар бизида олами идрок этиш, сир синоатга бой бу дунёнинг ибтидоини англаш учун бир дам ҳаёлга берилган кишини қийнаб қўйиши табиий.

Материалистлар инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини табиатдан кидирсалар, илоҳийчилар уни илоҳий борлик билан боғлаган-

лар. Аммо инсоннинг қандай маънавий қонуналар асосида яшаш масаласида уларнинг ҳулосаси бир-бирига зид эмас: "Инсон ҳамisha маънан ва ақдан баркамол бўлишга, эзгуликка интилиши даркор". Ушбу мезон барча диний таълимотларда марказий ўринни эгаллайди.

Тасаввуфий адабиётларда таъкидланишича, моддий олами яққола ёлғиз бўлган Парвардигор ўз моҳиятини, бе-

тақрор гўзаллиги ва қудрати жиҳасини моддиятга кўриш ва унинг жамолидан завқланиш истагида яратган. Қудсий ҳадисда келтирилишича, Довуд пайғамбар Аллоҳдан бу олами нега яратганини сўраганида, Аллоҳ: "Мен бир ҳазина эдим ва кашф қилинишимни хоҳладим. Шунинг учун олами яратдим", деб жавоб қилган экан.

▶ 4

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ДИЙДОРЛАШУВ

Субҳидам. Уйдан чиқишим билан куз эпкинлари юз-кўзларимга, димоғимга дарахтларнинг ажиб тароватли бўйлари уриди. Қушларнинг майин чах-чахи кўнглимга ажиб туйғуларни армуғон этди. Улар гўёки Ватан, юрт ҳақида хониш қилаётгандек тасаввур уйғотди. Ажаб, айна дамда табиатнинг бу кўринишлари куздан кўра баҳорга жуда-жуда ўхшайди. Айланаи юртимдан, унинг жаннатмонад табиати бор-да. Кузи баҳоридан гўзал, баҳори кузидан чиройли. Қанча шукронга айтсангиз шунча кам...

Қизик, бу манзаралар ҳар тонг мени қаршилади, лекин аксари ҳолларда ён-атрофга ортиқча эътибор қилмай, машинамга тезгина ўтирмаман-да, хизматга ошиқман. Бугун эса... Ҳар гал олис сафарга чиқаётганимдаги сингари атрофга суқланиб боқяман. Гўё маҳалламнинг, шаҳримнинг, юртимнинг бор гўзаллигига афзалликлари жо бўлган қиёфасини кўзларимга муҳраб олмоқчидай...

Санкт-Петербург... Россиянинг ушбу тарихий шаҳрига сайёх бўлиб эмас, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова бошлик бир гуруҳ делегация аъзолари хизмат сафарига отланганмиз. Гуруҳ Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа турли идора-ташкилотлар вакиллари билан ташкил топган.

Ҳабарингиз бор, жорий йилнинг 20 августиде давлатимиз раҳбари "Ҳорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини химоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармонни имзолаган эди.

Мазкур Фармонда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, давлат томонидан уларнинг қўндалик эҳтиёжлари ҳамда орзу-умидлари тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, мамлакат ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий химоя қафолатларини кучайтиришдек тадбирларни бир зум ҳам кечиктириб бўлмайдиган устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Ана шу Фармон ижроси доирасида ватандошларимиз билан учрашиб, уларнинг қўндалик эҳтиёжлари ва орзу-мақсадларини ўрганиш, шунингдек, давлатимиз мустақиллигининг 28 йиллик айёми билан қутлашни мақсад қилганмиз.

Аввало, биз борган манзил ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Дунёда мамлакатлар кўп ва уларнинг қайсибир жиҳати билан сайёхлар эътиборини тортадиган шаҳарлари ҳам бисёр. Назаримда, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри ҳақида эшитмаган, уни бир кўришни орзу қилмаган киши бўлмас керак. Бу қадим ўлка ўзининг машҳур Эрмитажи ҳамда Нева дарёси билан ҳар қанча фахр этса арзийди. Сабаби оддий. Сайёхларнинг аксарияти Эрмитаж музейини кўриш орқали дунё тамаддунидан хабардор бўлса, Нева соҳиллари бўйлаб ёки кемада ўтириб сайр қилиш мобайнида табиатнинг мислсиз мўъжизаларига гувоҳ бўлади. Улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темур давлати пойтахти Самарқанд шаҳри бўлгани каби Петербург ўз вақтида Россиянинг бошкенти бўлган. Хозирда ҳам бу манзилнинг иккинчи пойтахт, Шимолий пойтахт каби рамзий номлари мавжуд.

▶ 2

ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧДА

Бошланиши 1-саҳифада

Дарҳақиқат, кейинги икки-уч йил мобайнида Ўзбекистон Президентлари томонидан олиб борилаётган очик ва амалий ташки сийсат туфайли Марказий Осиёдаги вазият тубдан ўзгарди, минтақа давлатлари ўртасида дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилди. Бинобарин, Ўзбекистон раҳбарининг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Озарбайжон президентлари билан тез-тез ўтказиётган учрашувлар ва мулоқотлари натижасида барча соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Бунга Ўзбекистоннинг Туркий Кенгашига аъзо давлатлар билан ўзаро савдо ҳаммининг кейинги бир йилда 40 фоиздан зиёд ошгани яққол мисол бўла олади. Булар, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, етакчи sanoat корхоналари, банк-молния институтлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш каби йўналишлар ҳисобланади. Қардош давлатлар билан ҳамкорликда транспорт йўналишларининг интеграциялашган тармоғини яратиш, дунё ва минтақадаги асосий бозорларга чиқиш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг бу ташкилотга кириши Туркий Кенгашнинг халқаро майдондаги нуфузини оширади.

Туркий давлатлар билан олиб борилаётган маданий, адабий алоқаларга тўхталадиган бўлсак, бу борада ҳам, албатта, сезиларли ўзгаришлар бўлди. Жумладан, ўтган йили атоқли қозоқ шоири Абай ҳамда кирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг таваллуд айёмлари юртимизда кенг нишонланди. Бундан ташқари, юқорида номлари тилга олинган мамлакатлар адиб ва шоирларидан иборат бир нечта гуруҳлар юртимизда меҳмон бўлишди. Ўз навбатида таъкид ўзбек ижодкорларидан иборат делегациялар бир неча марта қардош мамлакатларда ижодий сафарда бўлишди. Эндиликда Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси Қозоғистон, Туркия, Озарбайжон ва Қирғизистон давлатлари Ўзувчилар уюшмалари билан фаол ҳамкорликни мунтазам йўлга қўйди. Шу кунларда уюшмамизда озарбайжонлик шоира Ганира Пашаеванинг “Оч эшикни” китоби тақдимотининг ўтказилишини мана шу ҳамкорликнинг яққол тасдиғи дейиш мумкин.

Айтиш керакики, бу воқеа Россия, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа хорижий ОАВда салмоқли акс-садо берди. Жумладан, Қозоғистоннинг “Хабар 24” телеканали намойиш этган махсус репортажда Ўзбекистоннинг ташкилот фаолиятига сезиларли туртки бериши таъкидланган. Зеро, Буюк ипак йўлининг маркази, шонли Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари жойлашган замин — Ўзбекистон азал-азалдан туркий тили давлатлар дунёсининг иқтисодий ва маданий бешиги, илм-фан ва маданият маркази бўлиб келган.

Айтиш мумкинки, Кенгашга аъзолик Президент Шавкат Мирзиёевнинг катъий сиёсий иродаси, доно раҳбарлиги ва фаол дипломатияси махсуси бўлиши баробарида, туркий тили давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг янги тарихий босқичини бошлаб беради.

Абдулмуҳаммад АЗИМОВ

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Бошланиши 1-саҳифада

Бизнинг буюк аждодларимиз ўзларини, ўзларининг илмий-ижодий фаолиятини умумбашарий тарихий-маданий илдишлардан, жумладан, туркий манбалардан холи тарзда тасаввур этмаганлар. Улуғ мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий бобомиз ўзининг шеърят, адабиёт соҳасидаги хизматларининг энг муҳим натижасини барча туркий халқларни бир адабий тил атрофида бирлаштирганида, деб билади ва бу ҳақда:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни як қалам, —
деб ҳақли равишда катта фахр-ифтихор билан ёзади.

Халқларнинг ўзаро бирлиги, ҳамжиҳатлиги ва яқин ҳамкорлиги, аввало, тилларнинг, диалларнинг, муштарак макссадларнинг бирлигидан бошланади. Бугунги кунда ана шундай яқинлик асосида инновацион тараққиёт сари интилиш, иқтисодий алоқаларни кенг миқёсда тараққий топтириш жуда муҳимдир. Шу билан бирга, маънавий, маданий, маърифий, илмий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиш, халқларимизни қалбдан бир-бирига янада яқин қилиш — бу дўст ва биродар халқларнинг азалий интилишлари такозо этадиган заруратдир. Айни вақтда, ёшларни илм-маърифат, санъат, спорт асосида тарбиялаш, ҳамкор, ҳамфикр қилиш, уларни зарарли ғоялардан ҳимоялашда бундай ҳамкорлик алоҳида ўрин тутуши шубҳасиз. Бу борада туризмнинг зўри ва аҳамияти, айниқса, бекиёсдир. Шунинг учун юқорида зикр этилган анжуманда Кенгашга аъзо туркий тили давлатлар ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг “Ўзбекистоннинг қадимий Хива шаҳрини 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти, деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни тақлиф этамиз”, деган фикрлари ҳар томонлама чуқур асосга эга эканини таъкидлаш лозим.

Табиики, туркий халқлар ўртасида алоқаларнинг мустаҳкам-лаиб бораётгани биз — қалам аҳли учун ҳам улкан имкониятлар очмоқда. Кейинги 25-30 йил мобайнида бошқа соҳалар қатори ижодкорлар ўртасидаги адабий алоқаларнинг ҳам бироз узилиб қолгани ҳар бир давлатда адабиёт, санъат, маданият оламида яратилган яхши асарлардан баҳраманд бўлиш имкониятларини, ўзаро жонли мулоқотларни чеклаб қўйган эди. Хайриятки, сўнгги уч йилда қўшни, қардош республикалар билан алоқаларимиз яна жонланди, биргаликда ўтказилган маданият кунлари, қўшма концертлар, фестиваллар, кўргазмалар, яна қўшлаб хайрли тадбирлар халқларимизни маданий ва маънавий жиҳатдан яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Нафакат чегаралардан, кўнгиллардан олиб ташланган тўрлар, тиллардан, диаллардан тўқилган дуолар миллионлаб одамларга бахш этган завқ-шавқдан қўзғаларда қувонч ёшлар калкимокда. Тиллардаги олқишлар шеърга, қўшиқларга айланмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қўшилиши дўст ва биродар элу элатлар билан самарали ҳамкорликни кучайтириш йўлидаги тарихий қадам бўлди десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бошланиши 1-саҳифада

Тарихдан маълум, ушбу шаҳарнинг таълим тоши 1703 йил май ойида император Пётр I томонидан қўйилган. 1712 йилдан эътиборан Санкт-Петербург расман Русия давлатининг пойтахти деб эълон қилинган ва икки асрдан ошқоқ вақт давомида пойтахт вазифасини адо этган. Кўпчилик Петербург номи император исми билан боғлиқ бўлса керак деб ўйлашади. Аслида Санкт-Петербург олмончада “Авнёт Пётр шаҳри” деган маънони билдиради. Манбаларда ёзилишича, Пётр I хаворий Пётрни ўзига маънавий раҳнамо деб билган ва янги бунёд этилган

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ДИЙДОРЛАШУВ

манзилга ихлосу муҳаббатига сазовор киши номини берган. Англашладикки, бу кўхна кентнинг чинакам тарихи Пётр билан боғлиқ. Тадбирларга бориш давомида шаҳар кўчалари бўйлаб юрканмиз, Неванинг сон-саноксиз кўприкларидан ўтдик, йўл четларида қад ростлаган муҳташам биноларга кўзимиз тушди. Ҳаммаси эътиборни тортади. Бу ерда жуда баланд бинолар йўқ. Кўчалари ҳам жуда катта эмас. Аммо машиналар ҳам, одамлар ҳам кўп. Бирор бинони таъмирлашга, ураб қўйишар экан. Бу, биринчидан, шовқин-сурон бўлишининг олдини олади, иккинчидан эса, қурилиш бўлаётган жойнинг чангу гўбири шаҳар озодалигига таъсир этмайди.

Биз тадбирларимизни Санкт-Петербург шаҳрида меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг яшаш ва иш шaroитлари билан яқиндан танишишдан бошладик. Жумладан, Федерацияда энг йирик савдо ва бизнес марказларидан бирининг қурилишида иштирок этаётган 300 нафардан ортиқ ватандошимиз, тикувчилик корхонасида меҳнат қилаётган бир гуруҳ ўзбек аёллари билан дилдан суҳбатлашдик. Кундалик ҳаётларида учраётган катта-кичик муаммоларни ўрганишга ҳаракат қилдик, ечимини кутаётган масалаларга соҳа мутахассислари атрафчиқа жавоб қайтаришди. Тадбирлар давомида бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар, ёшларимиз учун яратилаётган

имкониятлар, тадбиркор-ишбилармонларга яратилаётган шарт-шaroитлар, давлатимизнинг кейинги йилларда эришган ютуқлари ҳақида батафсил маълумотлар бердик. Барчаларини мустақилигимизнинг 28 йиллиги билан қутладик, шеърхонликлар бўлди, санъаткорларимиз бадий чикшилари билан уларни хурсанд қилишди. Ўз навбатида улар ҳам бизнинг таширфимиздан мамун бўлишгани, кўнгилларида фахру ифтихор туйғуларни уйғонганини ихпор қилишди.

Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)дан шундай мазмундаги халис ривоят қилинган: илми Чиндан бўлса ҳам ўрган. Шу маънода қўшлаб ўзбек ёшлари бугунги кунда дунёнинг энг нуфузли олий таълим даргоҳларида билим

нинг қўнглига хушнудлик бағишлайди.

Нева дарёси — табиатнинг чинакам мўъжизаси. Соҳил бўйлаб кезар экансиз, дарёнинг шовқини, салқин, аммо жуда ёқимли куз шабадалари дилингизга ажиб туйғулар арумон этади. Тонқўчаларда юрган чоғингизда эса беихтиёр кўз ўнгингизда Гоголнинг “Нева шохқўчаси” қахрамонлари жонланади. Дарё бўйлаб қурилган саноксиз кўхна кўприклардан ўтар экансиз, бунёдкорлар санъатига тасанно айтасиз. Тунда кўприкнинг кўтарилиши билан боғлиқ тадбирлар чинакам байрам тусини олади. Айниқса, сайёҳлар қалбига бу каби кўнгилочар кечалар унутилмас туйғуларни муҳрайдди. Ҳаммасидан ҳам эътибор тортадигани Нева

бўйидаги узун муҳташам барокко услубида ёна-ён қурилган бешта улкан бино мажмуидан иборат Эрмитаж музейи. Бу бино ноёб меъморий ёдгорликдир. Назаримда бу заминга келган киши борки, Эрмитажни кўрмай кетолмайди. 1764 йилда Екатерина II топиригига биноан бунёд этилган Эрмитаж сўзи французча бўлиб, “Ёлғизлик макони” маъносини англатади. 3 миллионга яқин санъат асари ва маданият ёдгорликлари сақланиши учун 350 та санъат асари даражасида безатилган зал ажратилган. Тошоша залларининг умумий қўлами 20 километрни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни бошдан-оёқ кезиб чиқиш учун қанча вақт кетишини тасаввур қилаверасиз... Биргина Эрмитажни кўриш учун ҳар йили 5 миллиондан зиёд меҳмон таширф буюраркан. Хуллас, музейнинг ўзи алоҳида бир мавзу. Бу ерда бизнинг аждодларимизга тегишли тарихий экспонатлар ҳам мавжуд. Булар бизга она ватанимизнинг ўтмишидан бутун оламга ҳикоялар қилиб турибди.

Бу бизнинг хизмат сафаримиз давомидаги кичкина таассуротларимиз, холос. Сафаримизнинг сўнгги кунда биз шаҳардаги ёшлар маданият саройида мингта яқин ватандошларимиз ва меҳмонлар билан дийдорлашдик. Барчанинг хотирасида қоладиган адабий-бадий кеча ўтказдик. Тадбир сўнгига ўзбекона ош тортилди.

Сафар ҳулосаси ўрнида айтиш мумкинки, Президентимизнинг жорий йилнинг 20

августдаги Фармони ўз вақтида қабул қилинган муҳим бир ҳужжатдир. Биз хорижда ўқитган ва меҳнат қилаётган фуқароларимиз билан доимий равишда алоқада бўлиб туришимиз зарур. Англаганим, уларнинг орзу-максадларини билишга, қийнаётган муаммоларини ўрганиб, ечимлари ҳусусида бoш кoтиришга, талаб-истакларидан келиб чиққан ҳoлда имкoниятлар яратишга, дoнмo ҳaқ-ҳуқуқларини ҳимoя қилиш бoрасида фaолият олиб бoришга бурчликим. Bа мeн кaтъий ишoнч билан айтa oламaнки, биз буларнинг бaрчасини амaлгa oширa oламиз...

Сўзим аяқунда, сафар давомида ёзилган шеърларимдан бирини сизга илинмоқчиманки, у буюк шоир Александр Пушкин қадри аслида қолган кўхна шаҳар таассуротлари асосида дунёга келди.

Буюк боболарнинг дархонасида,
Бор улуг муҳаббат, бор улуг таскин.
Ҳазрат Навоийнинг остонасида
Гўёки шеър ўқиб турибди Пушкин.

Ҳамон туймоқдадир аҳли шуаро,
Сўзларинг дунё нафис, муаттар мушқин.
Кўрлмн, дунё, сенинг юзларинг қаро,
Опоқ-опоқ сўзлар айтмоқда Пушкин.

Эй дил, аямайман сени ҳеч қачон,
Кўнглимни тобора поклайди ашқим.
Оқуш қанотига минган осмон,
Қалбимга дарёдай оқмоқда Пушкин.

Олис-олисларга етгайдир унинг,
Ҳисларинг пок бўлса, бетгидир, беким.
Тешик тоғорага қолмасин кунинг,
Уйғoқ яшaмoқгa чoрлaйди Пушкoн.

Ҳамиша тоқилдир ўтган дам, фурсат,
Оҳ, бу мoний кўзлар... Эй тўла тaмoн.
Мeн сeн сeвaмaн, эй гўл муҳaббaт,
Муҳaббaт вaсфидa тирикдир Пушкoн.

Соҳибни адлaл асo зaвoд йўқ,
Нoҳaқнинг дaврoн бoр-йўғ уч кун.
Фaлaқнинг бағрини тeшиб ўтмaс ўқ,
Фaлaқдaн юксaқдир, юксaқдa Пушкoн.

Дунёни асрaштa кeлaди шoир,
Дунё асрaмoқни бoлмaйдигa лeкин.
Ҳaқ сўзлар ҳaмишa бир Ҳaқгa дoир,
Шу бoис бoқийдир, aбaдий Пушкoн.

Мaнa, Сaнкт-Пeтeрбурғ. Нeвa сoҳил.
Дарё зўр тeшиқлар сoлмoқдa шoвқин.
Муҳaббaт тугaмaс, сўзим қўп хaли,
Ённб aшъoр aйтгaм кeлмoқдa, Пушкoн.

Ғайрат МАЖИД

ИЖОД МАКТАБЛАРИДА ҚОДИРИЙҲОНЛИК

Бошланиши 1-саҳифада

Янги ташкил этилган Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактаби пойтахтнинг Олмазор туманидаги 119-мактаб биносида ўз фаолиятини бошлади. “Билимлар кўни” муносабати билан Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасида мактабнинг илк ўқувчилари билан ижодий учрашувлар ташкил этилди. Иштирокчилар Абдулла Қодирийнинг набираси Хондмир Қодирийнинг қизқарли суҳбатини тингладилар. 120 нафар ўқувчига уюшма томонидан китоблар совға қилинди. Ижод мактабида “Қодирий издошлари” номи тўғрисида кўриб чиқилди. Ўзувчилар уюшмаси аъзоси Ашурали Жўраев ва профессор Қозоқбой Йўлдош иштирокда маҳорат дарслари бўлиб ўтди. 14 сентябрь кўни ўқувчилар Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактабнинг қурилиш майдонида бўлиб, жараёнинг бевосита тўғрисида бўлибди.

Ижод мактаби ўқувчилари Ўзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган “Биринчи китоби” лойиҳаси тақдиротида ва Уюшма қoшида фaолият олиб бoрaётгaн тўғрaқлaр мaшгʊл-лaрида иштирок этишгa тaқлиф қилинди. Ўқувчилар Ўзбекистон давлат тарихи музейида бўлиб, юртимиз тарихини ўрганиш бaрoбaрида Абдулла Қoдирий ҳaёти ва ижoдигa бaғи-шлaнгaн тaнoлoвдa иштирок этди.

Ҳaмид Олимжон ва Зулфия нoмидaги Ижoд мaктaбидa Абдулла Қoдирий ижoдини янaдa чуқур ўргaниш учун викторина ва очик дaрслaр oйлиғи ўткaзилмoқдa. Oйлик дoирaсидa ишoшлар ва шeърий aсарлар тaнoлoви эълон қилинди. Мaктaб-интeрнaтининг “Ёш тeaтpиoнoслaр” клуби aъзoлaри тoмoнидaн “Ўткaн кунлар”, “Мeҳрoбдaн чaён”, “Ширвoн хoлa нaмa дейди!” aсарлaри aсoсидa тaйёрлaнгaн сaхнa кўpинишлaри бaрчaгa мaнзур бўлди.

Адиб ҳаёти ва ижодида бағишланган иншоолар танловида Болтабоева Малина, шеърят танловида эса Бахриддинова Гулсанам, Холбекова Ирода, Бошмонова Насиба ва Абдazова Севинчининг машқлари энг яхши деб топилди, уларга фахрий ёрликлар тақдим этилди.

Ибройим Юсупов номидаги Ижод мактабида Қодирий асарлари мавзусига бағишланган расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Мактабнинг 9-синф ўқувчилари орасида “Қодирий асарлари билимдон” мавзусида кўрик-танловда фаол иштирок этган ўқувчилар фахрий ёрликлар ва адибнинг китоблари билан тақдирланди. Адиб ижодида бағишланган илмий-амалий анжуманда Қоракалпоғистон давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси олимлари, адабиётшунослар иштирок этди.

Эркин Воҳидов Ижод мактабида сентябрь ойи давомида бўлиб ўтган “Абдулла Қодирий — миллият фахри” мавзусидаги анжуман доирасида, янги педагогик қўланамалардан фойдаланилган ҳолда, миллиятпарвар ва улуг маърифатчи, ўзбек романчилиги мактаби асосчиси ҳаётини ёритувчи видеofilmлар намойиш қилинди. “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари юзасидан дaвpa суҳбaтлaри тaшкил этилди. Суҳбaтлaрaдa aдaбиётшунoс oлимлар, тaниқли ижoдкoрлaр тaқлиф этилди.


Ўқувчилар ўртасида ўтказилган Абдулла Қодирий ҳаёти

Олимжоннинг “Ўзбекистон”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърлари шеърят муҳлис-лари эътиборига байрам тухфаси сифатида тақдим этилган. Ўзбекистон Республикаси Аxbopот тeхнoлoгиялaри ва кoммyникaци-ялaрини ривoжлaнтириш вaзири Шyҳpaт Сoдиқoв билaн жyрнaлист Вoхид Лyқмoн суҳбaти сoҳa хoдимлaрида кизикиш уйғo-тиши тaйин. Жиззaх вилoяти ҳoқими Эргaш Сoлиев билaн суҳбaт, Ўзбекистон кoмпo-зитopлaри вa бaстaкoрлaри уoшмaси рaиси Рyстaм Абдуллaевнинг “Мyсикa aсарлaрида зaмoн-дoшлaр oбpaзи” мaкoлaси, Абдyсaид Кўчимoвнинг “Ўзбекистон — улyғ юрт, мaшхyри жaҳoн бўлгaй!” нoмли тyркyм шeърлaри, Aскaд Мyхтoрининг “Тyн-



далиқлар”идан берилган “Уйку қочган-да” катраси, Носир Аббоснинг “Нурли битиклар” номи очерки журнал мун-дарижасини бойитишга хизмат қилган. Ш.Субҳонов, Ф.Нуриддинова, М.Шам-шиева, Ф.Ҳасанов, Н.Сайфуллаевнинг турли мавзудаги мақолалари, Зулфия Қуролбой қизининг “Сиз айтгандай бўл-майди” номи ҳикояси, К.Жонтоевнинг “Хунарни асрабон...”, К.Оқиловнинг “Маданий меросимизни асраб-авайлаш — ҳар биримизнинг фуқаролик бурчи-миз” сингари долзарб мавзудаги материаллари ҳам ўз муҳлисларини топади, деб ўйлаймиз.

Ф.ҒАНИЕВ, ўқитувчи



Мактабда яхши ўқирдим. Синфдошларим мени ҳурмат қилишар, муаллимларим: «Салом, Тошбойжон», деб сўрашар, кўшнилариимиз: «Яхши одам бўлади», дейишарди. Лекин фақат бир киши — табиийёт муаллими — мактабимизнинг директори Зокир ўринович менга эътиборсиз қарар, ҳеч вақт: «Салом, Тошбойжон» демас, ҳатто рўпараларидан чиқиб, кўзларига тикилиб салом берганимда ҳам, олдийгина бош қимирлатиб, ўтиб кетардилар. Мен, ғашим келиб, нима қилсам бу киши ҳам менга бошқача кўз билан қарайдиган, номини айтиб сўрашадилар, деб ўйлардим. Қушлардан бир кун, эрта бозор оқшони тоққа, тоғанинг овулига сомонга кетдим: отам аравадан олакўз, ориқ отни чиқариб, «бойлоқ»қа ташлагандилар (Мен

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БИР КЎРГАН ТАНИШ...

уни ҳар эрта ўтлоққа элтиб боғлардим, кечкурун олиб келардим). Тоғдан келсам, янги ерга кўчиб кетган кўшнлизининг ховлисинга ўша киши — Зокир ўринович кўчиб келиб, жойлашиб олибдилар.

Мен нима қилиб бўлса ҳам ниятимга етиш пайига тушдим: мактабдан қайтишим билан кўчага чиқаман, муношидаги аравининг шотисига ўтириб олиб, китоб ўқишга «шўнғийман». Қаршимда ўртоқ Зокир ўриновичнинг дарвозадари! Албатта, бунақа ўқишда мияга бир нарсани кирмайдим. Бир кўзинг директорнинг дарвозасида бўлгандан кейин ахволинг шу-да.

Икки кун шундай қилдим: бир иш чиқмади. Ўртоқ директор хиёбондан сап-сарик барглари қисир-қисир босиб, хафсала билан юриб келадилар-да, шу юришда дарвозадан кириб кетадилар. Мени пайкамайдилар ҳам. Бўйинимни чўзиб қарайман. «Балки ҳовлидан қараётгандирлар...» Йўқ, дарвоза паст бўлса ҳам ҳеч ким кўринмайди. Айтмоқчи, у кишининг бўйлари анчагина паст, мен билан баб-баравар. Лекин бошлари жуда катта, кулоклари ҳам шаллантроқ, бурунлари ҳам узунроқ. Кийим масаласида, бизнинг фарқимиз ер билан осмонча.

Якшанба кuni арава ёнидан жилмасликка қасд қилдим.

Тонг отди, кун ботди: ўртоқ директорнинг тирикчиси ҳам кўринмади. Қош қорайганда, йиғламоқдан бери бўлиб, ўйга кирдим.

— Отни обкеддингми?

— Э-э-э... — Ўтлоқдан отни келтиришни ҳам унутган эканман. Ўтлоққа югурдим: от йўқ! Бу қоронғида филни ҳам топиб бўлмайди. Бунинг устига, ҳаммаёқ тоғ, арчазор, жарлар... Ўйга борсам, отам теримга сомон тикади.

Битта тошини топиб, ўтириб олдим. Ўтиравердим. Устим юпка эди, тошдан совуқ ўтди. Кўзгалмоқчи эдим, йирокдан келётган тўқ товушини эшитиб қолдим: тап-тап-тап... Олакўзнинг қадам ташлашига ўхшайди. Олакўз! Битта ўзи эмас, кимидир кўтариб келаяпти. Ердан бир чангал ҳўл тупроқ олиб бақирдим: — Туп олган!

Отлик фонарини ёкиб, менга тутди.

— Олифталик қилма!

«Олифта» ерга тушиб, ипни узатди.

— Қочиб бораётган экан, ушлаб олдим.

Кулоқларим чипша битди: рўпарамда ўша кишининг ўзлари — Зокир ўринович турардилар.

— Ўлай агар, муаллимжон, мен сизни бошқа киши деб ўйлабман.

— Зарари йўқ. — Юриб кетдилар. Кишлариди рюкзаксимон хатта, устларида узун пахталик, бошларида телпак. Ҳозир кўрса ҳеч ким у кишини директор деб ўйлабмасди. Мен отни етаклаб, шоша-пиша эргашдим. Ичимда отни сўкам: «Тентак! Бориб-бориб шу одамга тутқазасанми?» Ўртоқ директор бир текис қадам ташлаб борар, белларида осилган алпанасалар ёлларига шап-шап уриларди.

— Овдан келаясизми, ўртоқ муаллим? — Ҳа.

— Унинг ҳаммаси қаклими? — Ҳа.

— Шунча кўп олдингизми? — Ҳа.

— Отам овга чиқсалар, ҳеч нима

отолмай келадилар.

Жавоб бўлмади.

— Муаллим, мени кечиринг.

— Зарари йўқ.

— Ўртоқ муаллим... мен ҳам овни яхши кўраман.

— Яхши. Овнинг ўзи яхши-да.

— Мен ҳам сиз билан чиқсам-чи?

— Марҳамат.

— Сиз қачон чиқасиз?

— Шанба кунини. Кечкурун.

— Кейин ўша ёқда ётиб, эртаси овлайсизми?

— Ҳа.

— А, қаерда ётасиз?

— Овулда.

Азонда отни миниб тоққа жўнадим. Тоғанин ўтин ёраётган ерида тоддим.

— Тоғажон, шу келаятган шанбада кечкурун мактабимизнинг директори билан келаман. У кишини биласизми, Зокир ўринович дейдилар. Жуда зўр одам. Паловни дамлаб тура-сиз-да, тоғ! Уят қилиб кетмасинлар.

— Хўп, жиян, отдан туш.

— Дарсга кеч қоламан, бу ўлгур от ҳам имиллаб юради. Тоға, жон тоға, милтигингни беринг, обкеламан ўша кунини.

— Жиянжон... биласан-ку, иримим бор.

Отанинги йироқ бир ошнасида милтигини олиб келдим. Бизда милтик йўқ. Директоримизга айтган гапларим ёлгон, дадам умрида овга чиқмаган. Ўзим икки йил бурун, янги ерга кўчиб кетган кўшнлизимиз Мирзақобил овчига эргашиб икки марта

ли манзаралар қаршисидан бепарво ўтиб кетамиз. Кўп завқлардан бебаҳра қоламиз. Тўғри, турмуш таъбиладилар бор. Аммо улардан устун келиш керак. Акс ҳолда ташвишларга кўшилиб кетасан. Турмуш татимади... Сен нимадандир хафсан?

— Нега, ўртоқ муаллим?

— Гапим зериктирган бўлса, бас қиламан, — кастриоланинг қопқоғини очдилар. Оппок бут кўтарилди. Сув сутга ўхшаб кўринди. — Ҳозир қайнайди.

— Рюкзаксимон халталаридан куруқ чой ва кружка олдилар. Сўнг алланечук алаҳсиб, халтани авайлаб титкиладилар-да бир шиша чиқардилар: қоринда «Водка» деб ёзилганди. Арак! Сал қамайган. Тикини ҳам очилган. Демак, оз-моз иччилар. «Ҳозир яна ичадилар. Мактаб директори ўз ўқувчисининг олдида ичади! Ундан кейин... ундан кейин...» От кишнаб юборди. Зокир ака беихтиёр милтикка қўл чўзди. Шитир-шитир юриб кимдир келарди. «Тоғам оловимизни кўриб келаятган бўлса-я?»

Умримда кўрмаган бир одам келди. Хабабшай коп-қора, бошида жуни тўкилиб кетган яроққ телпак, оёғида чорик. Қўшқўлаб кўришди:

— Ёв бисмилло, ёв бисмилло.

Қўларига жуда дағал эди. Елкасидан милтигини олиб чўккалади, бошини эгиб:

— Сўранг, ака, — деди директоримизга.

— Сиз сўранг, — деди директоримиз.

— Ёшингиз улуг, сиз сўранг.

Эски қадрлонлардай сўрашдилар. Келган одам фақат: «Шукр, шукр» деди, директоримиз, «рахмат, рахмат», деди.

— Овга чиқибсизда?

— Ҳа.

— Биз ҳам овга чиқдик. — Менга ўтирилди. — Сиз, иним, Салим мўйловнинг жиянимаси?

— Мен ерга қарайман.

— Йўқ.

— Аттанг, аттанг.

— Нима эди? — деб қолдилар Зокир ака.

— Салим мўйлов деган одам бор-да анави овулда.

Шуниқидан келишман. Райондан жияни директорини олиб келмоқчи экан. Бечора бир қўй сўйиб, ош дамлаб ўтирди. Келишмади. Кўп хаф бўлди-да мўйлов. Энди директорлар катта одам-да, а, ака? Милтигингни бир кўрай. — Милтигингни олди, нилининг узунлигини кўзи билан чамалади. — Сиз милтик, соз. — Сўнг меникини олди. — Ў-ҳў, ичини кир босиб кетипти-ку? Моёлампас-да, иним-эй.

Мен Зокир ўриновичга қарамаслик учун бу одамдан кўз узмасдим. У арчадан новда кесиб келди. Тилини чикариб тишлаб, дудамда пичоғи билан новдани буталай бошлади.

— Каслик қалай? — бироздан сўнг сўради Зокир ўринович.

— Бор, товушқон ҳам бор. Бултур хийла кўп эди, бурноғи йил ундан ҳам кўп эди. Шу шаҳардан келадиган ўғри овчилар қамайтириб ташладилар. Саратонда овга келадилар. Ёўғоз товушқонини ҳам отади, туҳум босиб ётган қаклиқни ҳам. Номайдилар. Энди, ака, қасд қилдим, бошқа одамларимиз ҳам қасд қилган. Шундай номард келдим, ниша ушлаб хукуматга топширавмиз. Мана, ҳозир овласан, кишла овласан, халолти бўлсин. Қаклик ҳам бор, товушқон ҳам. Қоплон ҳам учраб қолади. Ҳа. Бултур ёзда бирини ўзим кўрдим. Кўргур қўлимда милтик йўқ эди. Шу новдадай хивчининг бор эди. Бузоғимни ахтариб бораётсам, олдимдан чиқиб қолди. Мунини қаранг, уни урмоқчи бўлиб, шу хивчинини кўтарибман. Такка тўхтади у ҳам.

Мен олдинга сурдим. Тиззам тегиб, арақ ағанаб кетди. Дарров кўтардим. Ҳоқоячи бўлса, бир менга, бир директоримга ўқариб қаради-да, милтигини олиб секин ўрнидан кетди:

— Ака, биз энди кетсак ҳам бўлади. — Жавобини кутмай қоронғиликка кирди-кетди. Зокир ака: «Биродар!» деб чакирганларича қолдилар. Мен ҳайрон. Аммо Зокир ўриновичга қаролайман.

Анча вақт жим қолдик.

Зокир ўринович устима-уст уч кружка чой ичдилар. «Нимага арақни ичмаётгилар? Мендан уялтиптиларми? Нега бўлмасам уни менга кўрсатдилар? Мана, хали ҳам олдимда қўлаб турибди. Яшармайдилар!».

— Ёт, мизғиб ол.

— Уйқум келмаяпти, ўртоқ муаллим.

— Ундок бўлса, мен ухлайман. Мана, соат ҳозир бир. Тўртда мени уйғотасан.

Уйғотгим келмади. Лекин ўзлари чўчиб уйғондилар.

— Ёт, энди сен ухлаб ол.

— Уйқум келмаяпти.

— Гапни кўп қилма.

Уйқудан турганимда Зокир ака милтиқларига ўқ жойлар, соатларининг милтиқнинг устида эди. Тонг ёришиб қолган, қакликларнинг шўх-шўх сайраши эшитилди. Тураётган араққа кўзим тушди. Кечатидан киттай ҳам қамаймаган эди: ичмабдилар. Чошгоҳча арчазорни кездик. Олдимиздан селла-села қакликлар уч-

МАҲОРАТ МАКТАБИ

ди, қуёнлар қочди. Бирок ҳеч нарсани ололмадик. Нишонга олган қаклигимизни ҳам, устидан чиқиб қолган қуёнимизни ҳам кечаги одам отиб олди: аллақасдан етиб келиб, бизга соядай эргашиб юрди, лекин биз билан на сўрашди, на гаплашди.

Қакликларнинг сайраши қамайди, қуёнлар ғойиб бўлди. Ов «мудлати» тугади. Қўшхошимизга қайтдик. Энди ўтирган эдик, тепамиздан бир гада кўк қарғалар учиб ўтди. Зокир ўринович ўқ бўшатдилар. Биттаси йиқилди. Олиб келдим. Зокир ўринович бир қўларига қаргани, бир қўларига «қарқонни олиб, булоқ томон кетдилар. Эргашдим. Халиги одам мукка тушиб, булоқдан сув ичаётган экан. Нарироқ борди-да, Зокир ўриновичга қараб тўхтаб қолди. Зокир ўринович қаргани ёриб тозаладилар. «Арак»ни очиб, қарганини ичига қулқиллатиб қўя бошладилар.

— Энди бу қотати, — дедилар менга.

— Қотати?

— Ҳа. Бу қотирадиган дори.

У одам эса аста ёнимизга келди, чўнкайди, бармоғини бутилканинг оғзига тегишиб хиллади.

— Иси йўқ-ку?

— Йўқ, — деди Зокир ака. — Қаклигингни беринг. Қотириб бераман. Уйингизга қўясиз. Худди тирикдай туради.

— Тирикдай? Тирикдай турса, қизик бўладими дейман-а, ака?

— Қизик бўлади.

— Мана, мана, ичини тозалайми?

Хўп... мана... э, яшанг, кам бўлманг. Ака дейман, сиз овдан маза қилмадингиз-а? — деди маъноли қилиб.

— Ҳа, — деди Зокир ўринович.

— Ҳозир маза қиласиз. Иним, сиз бу товушқоннинг терисини шилиб туринг. Кетдик, ака, тўхтанг, биттадан милтик бўшатайлик... ана учинди, кўзгаб юбордик. Кетдик.

Қуёнинг терисини бир маъноли шилим, жиррик лабини томоша қилаётгандим, улар келипти. Зокир ўриновичнинг белларида битта қуён ва иккита қаклик осмонлик у одам кечаги хикоясининг давомини айтиб келарди:

— Икковимиз бир-биримизга қараб турибмиз. Орамиз уч қадам. Хивчинини кўтарганимга қулгим келди. Эс кетганда, эс кетган. Ака, йўлбарсда қирқ йилгитнинг хайбати бор, бир йилгитнинг қучи бор; қоплонда бир йилгитнинг хайбати бор, қирқ йилгитнинг қучи бор, дейдилар. Бекор гап экан. Бир йилгитнинг хайбати бўлса, менинг эсим кетармиди? Кейин десангиз, бир-биримизга қараб туравердик, туравердик. Қиприк қокқанимиз йўқ. Ишонасизми, ака, шунда мен қиприк қоксам, қоплон мени олар экан. Қўрққанымдан бақрайиб туравердик-да. Бир вақт десангиз, аста изига қайрилди. Икки қадам юриб, менга яна бир қаради, кетди, ҳа, кетди. Ана шу мардликни қаранг энди.

Овқатни едик. Мен ҳам бир қаклик олдим. Чарчаб ўтирган эдим, олдимга келиб қўнди, олдим.

Қош қорайишга яқин қайтдик. Директор у киши билан олдийгина ҳайлашди. У одам эса бизни уйдан кузатаётгандай:

— Хушбаб бординлар, — деди. Баланда, садақайрағочга ўхшаган арчанинг ёнида унинг жиккак гавдаси узок кўриниб турди. Кетяпмиз.

Олакўз қадам ташлайди: тап-тап-тап... Ўртоқ директор эгарда, мен эгар қорсонидан ушлаб ўтирибман. Бошим ҳам. Бир пайт директоримиз сўраб қолдилар:

— Бу одам сенга ёқдими?

Нима дейишгани билмай қолдим.

— Сизга-чи, ўртоқ муаллим?

— Ёки, жуда ёқди.

— Нимаси?

— Софлиги, тўғрилиги. Лекин, у, бу кишиларга ёқай деб, ҳатто ўйлаганям йўқ. Қўнгли нимани тусанган бўлса, шунини қилди.

Индамай қолдим. Гўё тилдан қолган эдим...

Қушлар ўтди.

Мен шотида ўтириб китоб ўқийман ҳам, овга чиқишни ҳам йиғиштириб қўйдим; ўша куннинг эртаси тоғам келиб, мендан қўп ранжидилар. Бир ҳафтадан кейин эса бозорда мўйловларини бураб: «Директорнинг овулимизда тунадим», дедилар. Лекин... мен хурсанд бўлмадим. Мундок қараганда, мен ўз ниятимга етган эдим: Зокир ўринович ҳам менга бошқача кўз билан қарайдиган, номини айтиб, қўлимни тутиб сўрашадиган бўлиб қолдилар. Аммо у кишининг қарашлари ҳам, сўрашишлари ҳам бошқа муаллимлариникидан фарқ қиларди.



«Халқ озаки адабиётининг бетақор ва ранг-баранг обидаларини ўз қўлоғи билан эшитиб, уларни болалигидан она сўти янглис жисми эсонига, руҳиятига теран сингдириб олган Тўлибой Қобуловнинг шеърларидаги таниш оҳанглар китобхонларга жуда қадрдон ва сирдош бўлиб қолди», — дейди Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Қаримов.

Ҳа, унинг шеърлари жозибали, ширали ва бетақор оҳангларга, халқона ҳикматларга бой. Улар ҳаётийлиги ва жонлилиги сабаб беихтиёр юракни «жиз» элтиради ва ўқувчиларга ёқиб қолади.

Тўлибой Қобуловнинг аввал нашр этилган китобларига кирмаган, газет-жаурналларда ҳали босилмаган, ёзув сталининг ғалабониди қилиб кетган шеърлари шу кунларда «Ҳаёт, сени кўлайман» деган ном билан Нукусдаги «Билим» нашриётида босмадан чиқди. Ана шу китобдан олинган бир туркум шеърларни ўзбек тилига таржима қилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Адиб ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшга тўлган бўларди. Тақдирни қарангчи, ҳаётни тараннум этган асарлари шоир орамизда бўлмаса ҳам халқ билан юзлашмоқда, сирлашмоқда. Демак, шоирнинг сўзи барҳаёт, у ҳароратли шеърлари, жонли асарлари билан одамлар орасида яшайверади.

Тўлибой ҚОБУЛОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

КИТОБ БИЛАН ДҲСМ БҲЛАМИЗ

Муаллими

Тоғқош бошидаги гаплардан

«Дунёда шогирди энг кўп қим?» — деса, Мен иккинчиси «Муаллим!» — дейман. Буюк зотлар кўпдир бизнинг ўлкада, Алломалар дунёга маълум, дейман.

Устоз-шогирд билан яшнар бу дунё, Хар йил янгиладан бошлар бу дунё, Замон билан қадам ташлар бу дунё, Муаллимлар беришар таълим, дейман.

Ким тарбия, илм берса ақлимга, Мухаббат-ла меҳр берса қалбимга, Хизмат қилса фидо бўлиб халқимга, Ҳурмат қилиб, қўқсимда қўлим, дейман.

Ҳарф ёзирган қалам бериб қўлимга, Она Ватан ишқини жойлаб қилдимга, Сўзма-сўз ўргатган она тилимга, Ул менинг устози аввалим, дейман.

Ёш авлодди у китобга қаратар, Ер юзига илм нуриин таратар, Ёш боладан чин инсонни яратар, Қашфиёти энг буюк олим, дейман.

Тарбиялаб саодатга бошловчи, Вақтдан ўзиб олға қадам ташловчи, Дунё қанча турса, шунча яшовчи Бу табарруқ инсон — муаллим, дейман.

Олган ойланидан — қилган ишни қўп, Йиққан бойлигидан — давлат қуши қўп, Ер-осмонни ушлаб турган киши! — деб Бир овоздан тан олган элим, дейман.

Муаллим бу — кўп болали онадай, Муаллим бу — кўп меҳрли отадай, Муаллим олдида ҳамма боладай, Сўлмагай ҳаётда ҳеч гулим, дейман.

Севаимиз муаллим — азиз инсонни, Фаровон айлаган давру замонни, Устоз ардоқлаган Ўзбекистонни Ёруғ келажаким — иқболим, дейман.

Тўлиб дер, тўқдим дилда боримни, Табриқлаб муаллим — филокоримни, Қуйласам Ватаним — чаманзоримни, Сайрар она тилим — бўлбулим, дейман.

Китоб

Бу дунёни билиш учун, Ойга бориб-келиш учун, Юлдузга йўл солиш учун Китоб билан дўст бўламиз.

Илм ёритганда йўлинг, Обод бўлар юртинг, элиниг, Ҳамма ёққа етар қўлинг, Китоб билан дўст бўламиз.

Китоблар кўп элимизда, Катта бойлик қўлимизда, Кон кашф этиб қўлимизда, Китоб билан дўст бўламиз.

Йўқдир билимнинг поёни, Китоб илмнинг ошёни, Танитди кенг дунёни, Китоб билан дўст бўлингиз!

Ўзбек китобхонлари атоқли қорақалпоқ шоири Тўлибой Қобуловнинг асарларини яхши билишди. Шоирнинг шеърларига басталанган қорақалпоқча қўшиқларни умумхалқ байрамларимиз, сайл-тўйларимизда мароқ билан тинглаганмиз, ўзбек тилига таржима қилинган шеърларини эса матбуот саҳифаларида, айнқса, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида завқланиб ўқиганмиз. Тўлибой оғанинг асарлари ўзбек тилидаги жамоа тўпламлари, антологиялардан муносиб ўрин олган.

«Қора буга», «Ошигинман», «Дийдор», «Фатхулло зўр», «Сен тугилган оқшом», «Мени муборакбод эт», «Панд-насиҳат» номли шеърый тўпламлари, жаҳон шеърятидан ўз она тилига ўзган таржималари қорақалпоқ халқининг маънавий мулкига айланган.

«Халқ озаки адабиётининг бетақор ва ранг-баранг обидаларини ўз қўлоғи билан эшитиб, уларни болалигидан она сўти янглис жисми эсонига, руҳиятига теран сингдириб олган Тўлибой Қобуловнинг шеърларидаги таниш оҳанглар китобхонларга жуда қадрдон ва сирдош бўлиб қолди», — дейди Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Қаримов.

Ҳа, унинг шеърлари жозибали, ширали ва бетақор оҳангларга, халқона ҳикматларга бой. Улар ҳаётийлиги ва жонлилиги сабаб беихтиёр юракни «жиз» элтиради ва ўқувчиларга ёқиб қолади.

Тўлибой Қобуловнинг аввал нашр этилган китобларига кирмаган, газет-жаурналларда ҳали босилмаган, ёзув сталининг ғалабониди қилиб кетган шеърлари шу кунларда «Ҳаёт, сени кўлайман» деган ном билан Нукусдаги «Билим» нашриётида босмадан чиқди. Ана шу китобдан олинган бир туркум шеърларни ўзбек тилига таржима қилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Адиб ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшга тўлган бўларди. Тақдирни қарангчи, ҳаётни

ИНСОН
БҮРЧИ

Бошланиши 1-саҳифада

Навоий тасаввуфдаги ушбу бош ақида-ни шундай назмга туширади:

Не бўлб аввалдин бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга...
Сен эдинг бас яна мавжуд йўк,
Жилва килиб ўзунгга ўз ҳуснунг-ўк...

Жилван ҳуснунгга чу йўк эрди хад,
Кўзгу керак бўлди анга беад.
Мунча гаройибки мисол айлади,
Барчани миръоти жамол айлади.

Маъноси: Эй Парвардигор, мавжудликда сенда бошланиш ва ниҳоя йўқдир. Ўзингдан бошқа ҳеч зот ва нарса бўлмаган. Хуснинг жилволари беҳад эди ва уларни томоша қилишга ҳисобсиз кўзгулар керак бўлди. Барча яратганларнинг (моддий олам) жамолининг акс эттирадиган кўзгуни ташкил этди.

Бу мафтунок моддий гўзаллиқни яратиш унинг олий ифодаси — Инсонни яратиш гоёси натижасида тутилган:

Мунча гаройибки мисол айлади,
Барчани миръоти жамол айлади.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек баридин гараз инсон эди.

Маъноси: Эй, абадий ва азалий бўлган Парвардигор, яратган гаройиб гўзалликларинг ҳаддан зиёд эди ва уларни яратишдан мақсад Инсон эди.

Демак, Инсон — барча моддий гўзаллиқнинг бунёд бўлишига, яъни моддий оламнинг яратилишига сабаб бўлган. Нега? Инсон яратилишдан мақсад нима бўлган? Навоий айтади:

Офаринишдан қилиб Инсон гараз,
Они айлаб халқ ичинда беаваз.
Кўнлинг онинг маҳзани ирфон қилиб,
Ул тилсим ичра ўзин пинҳон қилиб.

Маъноси: Аллоҳ таолонинг бу оламни яратишдан мақсади Инсон эди ва уни тенгсиз қилиб яратди. Унинг қалбига борилмаларни жойлаб, тилсимлади ва бу тилсим ичинда ўзи ҳақидаги ҳақиқатни пинҳон этди.

Бу билан Навоий, яратилганларнинг энг беназир-тенгсиз бўлган Инсонга унинг қалбига жойланган “илм хазинаси” тилсимларини ечиш орқали унда пинҳон бўлган Ҳақиқат таниш вазифаси юклатилганлигига эътиборни қаратади. Бошқача айтганда, инсон қалбиде одамзод ўз тараққиёти давомида аста-секин кашф этиб бориши, яъни тилсимларни ечиб бориши лозим бўлган жамияти илмлар жойланган ва улар охир-оқибатда инсон учун қўринмас ва яширин бўлган Аллоҳга элтиди.

Олам — бу материал борлик. Буни уммоннинг юқори қисмида пайдо бўладиган тўқинларга меназас мумкин. Биз уммон деганда унинг тўқинларини эмас, балки сув ва унинг ичидаги дунёни тушунамиз. Лекин тўқинни сувдан ажратиб бўлмайди. Демак, биз уммон деганда, кўз ўнгимизга тўқинлар келса-да, моҳиятан сув эканлигини биламиз. Ана шу моҳият Аллоҳдир. Олам эса унинг махсулидир. Биз уни “халқ” ёки “хилқат”, яъни яратилган нарсалар деб атаймиз. Тўқин сувнинг бир қўриниши, жиҳоси бўлганидек, “халқ”нинг турли қўринишлари, Аллоҳнинг жилволари ёки бошқача айтганда, тажаллидлари дейилади. Ҳақ ўзининг тажаллидлари турлича ва хилма-хилдир. Навоий айтади:

Барчасин Ҳақ зоти мавж баҳри бил,
Ҳам вужудин мавж янглиг англағил.

Ҳақ инсон қалбиде “нихон”, уни англаш учун қалб “билим хазинаси” қилиб қўйилган. Инсон, аввало, ўз қалбини ўрганиши зарур. Бунда унга Ишқ ёрдам беради:

Мунда гар яхши тахайюл айлсанг,
Ёки ишқ сиррин тааммул айлсанг.
Муттасиф бўлсанг сифатиллох ила,
Жазм этарсен хотири оғох ила,
Ким сен-ўк сен ҳарнеким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўк неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ашхолига таъвилсен.
Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен ўзунгдин истағил!

Навоий асарлари Қалбдаги яширин хазина, Ишқ ҳақидаги буюк фалсафа ва унинг таълимотини очиб беришга бағишланган. Инсоннинг бу дунёдаги энг улут бурчи Ишқни англаш ва Ошқ бўлишидир. Шундагина у қалбиде Парвардигор яширган буюк Хазинанинг соҳиби бўлади!

Шухрат СИРОЖИДИНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Тарих ҳақида ёзиш ҳамини қизиқ ва шарафли. Тарихий ёзувчи бўлмоқ — икки марта ёзувчи бўлмоқ эканлиги ҳақида аввалги мақолаларимда ёзганман. Бунда ёзувчи ҳам тарихни чуқур ўрганиши керак, ҳам образ яратиш учун ўша давр географияси, этнографияси, этнонимлар, турмуш тарзи, кийим-кечаклар, инсоний муносабатлар ва муомалалар даражаси қандайлигини билиши, билибгина қолмай, тиниқ тасаввур эта олиши талаб қилинади.

Ёзувчи Кўзи Давлат Мухаммад Раҳимхон II — Феруз тахтга мингандан бошлаб то 1940 йилгача тарихимизнинг салкам юз йиллик оғриқли паллаларини ижодкор назари билан кўриб, ўрганиб чиқди. Кўп манбалар билан танишиш, халқ хотирасида сақланиб қолган ҳодисалардан фойдаланиш, воқеалар юз берган жойларни бориб кўриш, сўраб-суриштириш. Бу ишга дадил киришганининг ўзи эътиборли. Бу осон иш эмас. Натижада, “Мозийдан садо” номли трилогия қозғога туширилди, унга “Тунги ёлдуз”, “Йиллар сурони”, “Хусумат” романи киритилган. Трилогия 2015 йили “Хоразм” нашриётида босилиб чиқди.

...Елкасида катта тош осиглик (Россияга қарамлик даври) вазиятда салкам эллик йил юртни бошқариш, ички душманлардан (амакиси, иниси ва бошқа хоинлардан) ҳамини эҳтиёт бўлиш ташвиши билан банд Мухаммад Раҳимхон II маърифат ва маънавиятни ҳам унутмади, у зукко инсон, давлат арбоби, шоир ва бастакор бўлиб, маърифатпарвар подшоҳларимиз ичида ўзига хос ўринга эга сиймодир. Уни тарихчи Баёний шундай таърифлайди: “Маълум бўлсинки, хон ҳазратлари (Мухаммад Раҳимхон II. — М.А.) бағоят мушфиқи фуқаро ва бағоят хайр дўст киши эрдилар...”. Феруз даврида мамлакатда адабиёт, илм-фан тараққий топди.

Бу пайтда Мухаммад Ризо Огаҳий, Комил Хоразмий, Аҳмаджон Табибий, Мухаммад Юсуф Баёний сингари маданиятимизнинг улкан арбоблари етишиб чиқди. Бевоисита хоннинг таважжуҳи ва қўллаб-қувватлаши орқасида Хоразм тарихи ҳақида Огаҳий томонидан “Риёз уд-давлат”, “Зубдат ут-таво-рих”, “Жоме ул-воқеоти султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди иқбол” (бу китоб Ферузшоҳ даври ва салтанатида бағишланган) каби қўллаб тарихий факт ва матери-алларга бой асарлар ёзилди. Шоир бир аса-рида халқ кўзгиларида ҳақида ёзар экан: “... улус шоҳларни пидедаги мартабасига тушуриб мотлиг сарҳадида еткурубдур-лар” деган сўзларни келтиради. Огаҳий айни вақтда бошқа тиллардан, баъний асарларини, чунончи Нисомий Ганжавийнинг “Ҳафт лай-кар” дostonи ва Муслихиддин Саъдийнинг “Гулистон” асарини ўзбек тилига таржима қилади. Огаҳий “Ҳафт пайкар” dostonи тар-жимаси тарихига тўхталиб, унинг дебодасида бундай ёзади: “Сайид Мухаммад Раҳим Ба-хоридхон... бу бандои ҳақир ва ихлоси тахмир Мухаммад Ризо миробал-мутахаллиси бил Огаҳийга хазрати шайх Нисомийнинг “Ҳафт пайкар” отили китобин, Баҳром шоҳнинг хо-лоти воқеоти қиссаси турур, наср тариқаси бирла таржима қилиб, туркий таснифига киргузкам хизматин буюрдидилар...”. Баёний эса тарихнавис олим сифатида “Шажаарий Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи” номли та-рихий асарлар битди, қатор тарихий асарлар-ни арабча ва форсчадан ўзбек тилига таржима қилди, шоир сифатида эса мукаммал девон тузди.

“Мозийдан садо” трилогиясида ана шун-дай сиймолар билан учрашасиз. Асар қизиқ сюжетли, турфа воқеаларга бой, ўқувчини ўзидан қўйиб юбормайди. Лекин бу воқеа-лар тўқиб чиқарилмаган, балки ҳаётдан олинганлиги кўриниб турибди. Унда кўп та-рихий шахслар образлари чизилган. Улус шоир Огаҳий, маърифатпарвар Мухаммад Раҳимхон II, Исфаҳидхон, умри фожи-али тугатган ислохотчи Исомхўжа, Сайид Абдуллоҳхон, жуда кўп тўралар, сарой аъён-лари, рус маъмурилари, оддий халқ вакилла-ри, Яхшимурод ва Сунбула, Дилмурод, Жу-маназар ва Ойгул, тўраларнинг энг охиригиси, Украинада сарсон-саргардон бўлиб оламдан ўтган Абдурашул тўра сингари инсонлар ҳаёти қаламга олинган.

Халқимиз тарихининг шонли саҳифалари Хоразм билан боғлиқ. Тарихимизни қайтадан

ўрганаётган паллаларда ўтган кунларимиз, та-рихимиз ҳақида кенг ўқувчилар оmmasига маъ-лум тасаввур бера оладиган, ёзувчи Кўзи Дав-латнинг “Мозийдан садо”дек асарлар ёзилиши мақсадга мувофиқдир. Асарда учрайдиган ай-рим камчиликлар ва баёнлардан катти назар, ёзувчининг табриклаш керак. Ўтган воқеалар ҳақида келажак авлодларга еслатиш, ўтганлар руҳини шод этиш ҳамини ҳам савоб иш бўлиб қолаверади.

“Инонч” — ўзига хос шоир Рауф Субхоннинг янги шеърлар китоби (“Ўзбекистон” нашриёти, 2015). Рауф Субхон ижо-дини кўпдан кузатиб кела-ман. Камтарин шоир, кам-сукум. Бир неча китоби босилиб чиққан, таржи-малар билан шугуллана-ди, чунончи у Ф.Тютчев, А.Фет сингари мумтоз шоирлар шеърларини ўзбекчага таржима қил-ган. Яқинда машҳур америкалик ёзувчи Эдгар По қаламига мансуб қизиқарли ҳикоялар “Тик қоялар қиссаси” номида Рауф Субхон тар-жимасида босилиб чиқди (“Машҳур пресс” нашриёти, 2018).

Рауф Субхон изланувчан шоир, ҳамини ўз йўлини топишга интилиб келаётган ижодкор. Кўп шеърлари хикматга ўхшаб кетади. У ҳаё-

Мухаммад А.ЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТАРИХНИНГ ҲАЙҚИРИҚЛИ
САДОЛАРИ

лида пайдо бўлган фикрни шошилиб, гўё қо-нча кетмасин дегандай (қочиб ҳам кетади!) дарқоғ қозғога туширади. Бу паллада у қофия ёки вази деган шартларни ҳам унутди: фикр яхлит қозғога тушади. Бир мисол:

Айик
Уйқусидан
Уйғонгунча
Ўрмон қонунлари
Ўзгариб кетди!..

“Тупунчалар” номли шеърда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати кашф этилади:

Севги нималигин
Тупунган бўлсанг,
Севмаган бўлардинг
Мени шунчалар...

Яшаш нималигин
Тупунган бўлсанг,
Яшашдан тўхтайд
Кўп тупунчалар...

Шоир ўз шеърларида кўпроқ лўнда, теша тегмаган фикрларни ифода қилишни яхши кўради, мухтасар ёзади, қутилмаган ўхшатиш-лар топади, чунончи, бир шеърда “озод қа-фас” иборасини ишлатади. У шеърларини ҳар хил ташбеҳларга, жимжамдорликка қўйиб юбормайди, балки содда ёзишга интилади. Шоирнинг шеърларида айрилмаган сўзлар пинҳон қолади. Бу — шоир услуби. Унинг шеърларида олинган сатрларга эътибор бе-райлик: “Бўйини қўзишга янтоқ тополмай, Қишлоқни тарқ этиб кетди туялар”, “Ме-нинг фасларим алмашиб кетган”, “Қуёшсиз кунларинг Нукул Ерга қараб ўтказдинг...” (қунгабоқар ҳақида), “Шодлик семирмади, ғам ҳам озмади”, “Ҳақиқат — мангулик, энг сўнгги мезон, Сенаг етмоғин шарт бир кун, келажак”, “Бу айлана Ерда бизга кирок йўк”, “Ожизлик ожизини асраб олади”, “Каттақон

бўлмоқни орзу қилганлар Аввал кичиклигин ўзи англасин”.

Бу сатрларнинг ҳар бири орқасида “шоир-нинг тапи” — умидлари, армонлари, ўпка-ги-налари, эътирозлари яширинган. У ўқувчига ишонади, бешак-шубҳа қўнғилмаганини ан-глаб олади, деб умид қилади.

Ўққиларда кўрай дейман босган изим,
Йўллар узок —

дейди шоир бир шеърда. Тўғри ёзади, йўл-лар узок, излар азиз... Ўққиларга интилиб бормоқ керак. Ижодкорнинг бошқа йўли йўк. Бу йўлда Рауф Субхонга омадлар тилайман.

“Самарқанд тарихидан томчилар” китоби (“Маъ-навият” нашриёти, 2015) атоқли археолог олим ва тарихчи Амриддин Берди-муродовнинг ўқувчиларга навбатдаги тухфаси. Биз муҳтарам олимимизни та-рихимизнинг зукко ва ку-юнчақ билимдонли сифати-да яхши биламиз. Чиндан ҳам, Самарқанднинг яралишидан тортиб то бугунгача бўлган та-рихига бағишланган мақолалар, тадқиқотлар, кузатишлар, мулоҳазалар, тарихимизга нохо-лис ёндошишларга билдирилган муносабат-лар, томчи-томчи бўлиб мазкур китобда жа-маланибди. Улар катта қизиқиш билан ўқилади. Китобнинг “Самарқанд ибтидоий даврдан Искандаргача”, “Искандар билан юзма-юз”, “Самарқанд оташпарастликдан исломгача”, “Чингизхон билан юзма-юз”, “Амир Темур тақдирида Самарқанд, Самарқанд тақдири-да Амир Темур”, “Мирзо Улуғбек тақдирида Самарқанд”, “Икки бошли бургут ҳамласи” қисмлари ҳар бири тарихий материалларга



бой, сиқик, алоҳида-алоҳида бир китобнинг хамиртурушидай таассурот қолдиради. Улар-да ўқувчи қутилмаган янгиликларга дуч кела-ди. Мен “Искандар билан юзма-юз” қисмида-ги “Спитамен ва Клеопатра” мақоласи ҳақида кентроқ тўхталмоқчиман.

Спитамен ва Клеопатра... Бир қарашда ҳеч бир-бирига алоқаси йўқдай туюлади икки минг йил олдин яшаб ўтган бу тарихий шахс-лар. Амриддин Бердимуродовнинг мазкур мақоласига, менингча, ҳамма ҳам шундай ўйлаб келгани шубҳасиз. Ўзим ҳам бир пайт-лар Спитамен ҳақида туркум шеърлар ёзган-ман, ўрганганман, лекин бу маълумотга дуч

АДАБИЙ ЖАРАЁН

келмаганман. Тўғри, бундай маълумотлар кейинги йилларда пайдо бўлди.

Олим бу хусусда изланишлар олиб бориб, Спитамен ва Клеопатра ҳақида янги тарихий фактлар топишга муяссар бўлди. “Эрамиз-дан олдинги 69–30 йилларда, — деб ёзади олим мазкур мақолада, — қадимги Мисрда яшаб ҳукмронлик қилган, Осиё, Европа ва Африка тарихининг бутунлай янги ўзгаша бурчиб кет-тишига сабаби бўлган Рим ҳукмдори Юлий Цезарининг ақлу ҳушини ўзгирлаган, антик дав-рини моҳир қўмондонларидан бири Октавиан Август қўшинлари билан Миср мустақиллиги учун жанг қилишдан тап тортмаган, ўз фа-олияти (ажабовуру ҳаёти!) билан машҳур драматурглар Вильям Шекспир ва Бернард Шоунинг ишломланган, Мисрнинг сўнги ма-ликаси, гўзал Клеопатра Ҳоллиуднинг “Клео-патра” фильми орқали дунёга танилгандир, десак ҳеч ким эътироз қилмайди.

Аmmo эасур Спитамен билан Миср малика-си гўзал Клеопатра ўртасида узок қариндошлик

ришталари мавжуд бўлган, Миср маликасининг томирларида Спитаменнинг ҳам қони оққан, десак қўнчиликнинг ажасиланиши табиийдир”.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, узок тарих катларида ҳали сирлар кўп ва беҳисоб. Спитамен билан Клеопатранинг қариндошлик ришталари та-рихи Искандар Зулқарнайнинг юртимизга бостириб келган даврга бориб тақалади. Му-заффарият тожини кийган Искандар Эроннинг Суза шаҳрида катта тўй бошлаб юборади. Ун-да жаҳонгир жангларда шижоат кўрсатган тўксон нафар лашкарбошисини сийлаб, Турон ва Эрон подшоҳлари ҳамда аспоздаларининг қизларига уйлантиради. Жаҳонгирнинг ўзи дастлаб Эрон подшоҳлари Доро ва Артаксерис Шининг соҳибжамол қизларига уйланади. Под-шонинг яқин сафдоши ва саркардаси Селевк (гоҳида Салавк ёзилади, кейинчалик жаҳонда 248 йил ҳукм сурган Селевкийлар сулоласи-га асос солган) ҳам бахти чопиб, азизланган куёвлар қаторида эди. Унга машҳур саркарда ва жангчи Спитаменнинг гўзал қизи Апама на-сиб этди... Буни тақдир дейдилар.

Селевк I билан Апама бир-бирларига қаттиқ меҳр қўйдилар. Ибодатхоналарда подшо Селевк I шарафига айтиладиган мадҳияларда ма-лика Апама номи ҳам қўшиб айтилар экан, деб ёзади Амриддин Бердимуродов. Селевк I хоти-ни Апама шарафига тўқикизга янги шаҳар бунёд этиб, ҳаммасини суяукли хотинининг номи би-лан атаган эди. Селевк I билан малика Апама ўил қўрадилар, отини Антиох деб атадилар ва Спитамен набираси Антиох I номи билан тарихга кирди, йигирма йил Селевкийлар дав-латини бошқарди. Шуни айтиш керакки, ўша пайтлар расм-русумига кўра подшо хонадо-нида тутилган ўғил-набира-абир-чеваралар... ота-она номлари билан аталар, шу сабабдан та-рихчилар фарқлаш учун уларга рақамлар кўйр эдилар. Антиох I нинг ўғли Антиох II — Спи-тамен абираси ўн беш йил давлат тепасида бўлди. Антиох II нинг Селевк II ва Антиох III деган ўғиллари бўлган. Акасининг ва-фотидан кейин Антиох III тахтга ўтиради. У, вазият тақозоси билан, гўзал қизи Анти-ох-Клеопатрани гаров ўрнида нуфузи куч-ли Миср ҳукмдори Птоломей VII узатишга мажбур бўлади. Спитамен чевараси, Анти-ох III нинг айнан мана шу қизидан Миср ўз мустақиллигини йўқотди — Рим империяси-га қўшиб олинди. Антиох I, бир қизини онаси иси билан Апама I деб атаган эди. Апама II амакиси, Кирена мамлакатни подшоиси Магасга турмушга чиққан, эри ўлгандан сўнг мамлакат-ни бошқарган эди.

“Селевк ва малика Апамадан бошланган сулоланинг давомчиси, Антиох III нинг қизи малика Антиох-Клеопатра Миср подшоиси Птоломейга турмушга чиқиб, бу икки сулола-ни бир-бири билан боғлади. Мисрнинг сўнги маликаси Клеопатра VII ҳам айнан шу суло-ларга мансубдир”. Шундоқ, барча Клеопат-ралар Спитаменнинг қизи — Апама момо ав-лодлари ҳисобланади.

Малика Клеопатра VII билан Рим сар-кардаси Марк Антоний ўртасидаги тенгсиз муҳаббат бутун жаҳон ахлини ўзига мафтун қилди. А.С.Пушкин, В.Я.Брюсов, А.А.Блок, А. Ахматова, француз шоири Т.Готье унга шеърлар бағишладилар, у ҳақда бир неча тра-гедиялар, романлар ёзилди, мусавирлар ма-ликанинг ажойиб ҳайкаллари яратдилар, композиторлар операларни ноталарга тушир-дилар. Буюк аждодимиз бўлган малика Клео-патрага бағишланган баъдий фильмларни айтмайсизми! Машҳур Оскар мукофотларига сазовор бўлган фильмларда жаҳоннинг гўзал актрисалари Софи Лорен, Элизабет Тейлор, Монико Белуччи, Вивен Ли каби санъат соҳи-балари малика Клеопатра сиймосини кино-экранга олиб чиқдилар ва шухрат топдилар.

Буюк аждодимиз, юртимиз мустақили-ги учун курашган шавкатли Спитамен авло-ди, Мисрнинг машҳур маликаси, соҳибжамол Клеопатра ўзини, бутун ҳаётини ўз халқининг шай-шукуҳини, мустақиллигини, Ватанининг улғуворлигини асрашга бахшда этган эди. Нечоғли улғувор тарих! Фахрланас арзийди.

Келинг, тарихнинг хайқирик садоларига қулоқ тутаёлик.

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”
2019 йил 5-сон

Журналнинг ушбу сони илк саҳифа-ларида “Дурдона” руқни остида беришган мумтоз шоиримиз Абдурахим Ҳофиз Хо-размий ғазалларидан намуналарни ўқийсиз.

Шеърятимиз навиқрон авлоднинг таникли вакиллари Баҳром Рўзимухаммад ва Икром Искандарнинг туркумлари назм ихлосмандларига манзур бўлиши тайин. Ус-лубларига кўра бир-биридан фарқланиб ту-радиган ҳар иккала шоирнинг шеърлари ўзи-да замонавий ўзбек шеърятининг ютуқла-рини акс эттиради. Шунингдек, ушбу сонда Шойим Шерназарнинг шеърлари, Назира Матқубованин “Устоз” номли достони, таникли қозқ шоири Улуғбек Эсдевлетнинг ижодидан янги таржима-лар (таржимон А.Пиратов) ҳамда Анвар Обиджоннинг болаларга аталган шеърлари босилган.

Шарқ
юлдузи

Sharq
yulduzi

5-сон

2019

ЯНГИ НАШР

“ТУЗОҚ”

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижо-дий уйи яқинда ёш ёзувчи Зокир Худойшу-курнинг “Тузок” номли китобини чоп этди.

Китобдан унинг иккита қиссаси ва ўн-дан зиёд хикояси ўрин олган. Айтиш ке-ракки, мустақиллик йилларида халқ, Ватан озодлиги ва равнақи йўлида фидойийлик кўрсатган қўллаб аждодларимизнинг ном-лари окланди. Қолаверса, миллий урф-одатларимиз ҳамда кадрят-ларимизни тиклаш ва уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу ишларнинг муайян даражада бугунги насримизда ўз аксини топаётгани таҳсинга лойиқдир. Зеро, улут адибимиз Абдулла Қоди-рий айтганидек, мазога қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир. Мазкур ки-тобдан ўрин олган “Тузок” ва “Оқ ўтовнинг мунгли ўлани” қиссала-ри ҳамда “Қайбони момом чўпчаклари” туркумидagi хикоялар мав-зу-моҳиятига кўра ана шу эзгу ҳаракатларга ҳамохангдир.

Зокир ХУДОЙШУКУР

ТУЗОҚ

ҚАЛЪЛАРГА ЧЎҒ СОЛГАН АНЖУМАН

Юртимизда хунармандлик санъатининг катта байрамига айланиб кетган Кўқон халқаро хунармандлар фестивалининг якуний кунини Президент Ш.Мирзиёевнинг анжумани очилишида айтган кўйидаги фикрлари мазкур тадбирнинг бекиёс аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади: “Ушбу фестивални нафақат кўнмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак тўғри бўлади. Бу — олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намоеъ этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир”.

Бутун дунёдан Ўзбекистонга келган хунар аҳли фестивалнинг сўнгги кунини бир-бирдан айрилишни истамди, кўзларда бир вақтнинг ўзиде кувонч ва айрилиқ ёшлари ялтиради. Ҳеч кимнинг Кўқонни тарк этгани келмасди. Лекин ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлганидек интихоси ҳам бўлади. Мухими, ушбу халқаро фестивал дунё халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабати чегара билмаслигини, санъат турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи катта куч эканини яна бир бор намоеъ этди.



— Ҳамкасблар билан учрашиб, мулоқотда бўлган кунларимизни, Ўзбек наонининг ширин ва тотли исини, халқининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлигини ҳеч қачон унутмаймиз, — деди биз билан суҳбатда Москва вилоятининг Гжель шаҳридан келган чинни устаси, фестивал совриндори Полина Матвеева. — Айниқса, бизга анор совға қилган кўқонлик аёл билан учрашув бир умр ёдимда сақланади.

Қозоғистондан келган кўпсонли хунармандлар бу йил нишонланаётган “Ўзбекистонда Қозоғистон йили” тадбирига алоҳида ҳисса қўшдилар. “Бизнинг павильонга кизиқиш кучли бўлганидан хурсандимиз, — деди уста Карим Бектош. — Теридан, металлдан ишланган, тўқилган ишларимиз, гилам маҳсулотлари, мусика асбоблари, миниатюра, тасвирий санъат намуналари фестивал тат-

нашчилари, меҳмонлар ва кўқонликларни ўзига жалб этгани бизга илҳом бағишлади”.

Санкт-Петербургдаги Россия этнография музейи етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Татьяна Емельяненко юртига учини олдиладан қилган суҳбатимизда шундай деди:

— Ўзбек ерида ўтган кунларимизни соатию дақиқасига ҳали узоқ эслаб юрамиз. Бизнинг музейимизда сақланаётган Ўзбек халқи маданиятига оид йиғирма тўққиз минг экспонат орасида асосий ўринни халқ хунармандлиги ва амалий санъати буюмлари эгаллаган. Бундай тарихий буюмларни ўрганиш қадимий хунармандликни тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек усталарининг ишларини кўриб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Кўқонда кўрганларимизни унуттиш мумкинми! Айниқса, Президентинг Шавкат Мирзиёевнинг буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанднинг фикридан иқтибос келтириб, Ўзбекистонда амалий санъат усталари қадрланиши, уларнинг ишлари учун барча шароитлар муҳайё экани ҳақида айтган гаплари ёдимда қолди. Кези келганда “Ўзбекистон — Россия” Маркази ва дўстлик жамоиятига алоҳида миннатдорлик билдиримоқчиман. Биз дўстлик, тинчлик ва одамлилик шаҳри бўлган Тошкент ҳамда қадим ва навқирон Кўқон ҳақида кўп қизиқарли нарсаларни билиб олдик.

ТААССУРОТ

Ёпилиш маросимида танлов натижалари эълон қилинар экан, бутун Кўқон кулоққа айланди. “Энг яхши хунарманд” соврини соҳибини айтилганда майдон гулдурас олқишларга қўмилди.

— Очиғи, номим эълон қилинганини эшитмай қолдим, — дейди мукофот соҳибини, Ўзбекистон халқ устаси Мухаммадали Юнусов. — Чунки жуда ҳаяжонда эдим. Фақат мен эмас, ҳаммамиз қаттиқ ҳаяжон билан тургандик. Бу бутун Ўзбекистон хунармандларининг, шоғирдларининг бўлабаси. Шоғирдларим панд бермай, қўлаб-қувватлаганларидан бошим қўққа етди. Фестивалнинг очилиш жараёнидаги концерт давомида саҳнада иккита айвон тиклашди. Бу ҳазилакам иш эмас. Демак, ишимни, бутун хунармандларимизнинг ишини муносиб давом эттирадиганлар бор.

Ҳа, голиб хунарманд ҳақ. Барча катнашчиларнинг шоғирдлари ишини давом эттиришга шай туришибди ва яхши натижаларни қўлга кириштирипти. Кўқон фестивали бунинг бутун дунёга намойиш этилиши бўлди.

Шунингдек, тожикистонлик Абдулҳасан “Ҳамдамов” “Энг яхши хунармандчилик мактаби устаси”, қозоғистонлик Карим Бектош “Қадимий хунармандчилик турини тиклаган хунарманд” сифатида эътироф этилдилар. Африка, Аргентина ва Ўзбекистондан фестивалда қатнашган хунармандлар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланишди.

Энг муҳими, кўтаринчи руҳда, дўстона, ҳамжихатлик кайфиятида ўтган фестивал қатнашчиларда ҳам, кўқонликлар ва юртимиз меҳмонларида ҳам олам-олам таассурот қолдирди.

Флора ФАХРУТДИНОВА



сиёсати туфайли иқтисодий, маданий алоқаларимиз янада ривожланиш сари юз тутди. Ўтказилаётган Маданият кунлари, театрларимизнинг гастроллари, концерт дастурла-

асарлари Туркия, АҚШ, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўтган кўргазмаларда муносиб баҳо олган. “Мен юртимизда шу санъат билан шугулланадиган Қамолдин Мирзаев ва асарлари Туркия, АҚШ, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўтган кўргазмаларда муносиб баҳо олган. “Мен юртимизда шу санъат билан шугулланадиган Қамолдин Мирзаев ва

Катта театр саҳнасида намойиш этилган концерт дастурини йиғилганлар гулдурас қарсақлар билан олқишлаб турдилар. Ҳатто дастур тугагандан сўнг ҳам томошабинлар узоқ вақт театрнинг тарк этидилар. Ўзбек ва татар халқларининг мулоқоти давом этди.

26-27 сентябрь кунлари эса юртимизда Татаристон кунларининг давоми сифатида Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида Буа шаҳри давлат драма театри энг яхши спектакллари намойиш этилди.

Ф.ФАХРУТДИНОВА


Бугунги кунда Ўзбекистон замонавий кўғирчоқ театри режиссёрлари, рассомлари олдида инновацион ғоялар, замонавий технологияларни театрда қўллаш, яратилаётган спектаклларга янгилик кириштириш, айниқса, бунинг сценарийлик ечим билан амалга ошириш каби жиддий масъулият турибди. Замонавий томошабин онгининг қабул қилиши ва фикрлаш маданияти кенглиги боис спектаклдаги тасвирий ечим ана шу кўрсаткич мутаносиблигида қурилиши зарур. Санъатишунослик фанлари доктори, профессор М.Қодиров таъкидлаганидек: “Осиё кўғирчоқ театри бу шунчаки ўйин эмас, балки бир қитъа халқларининг фалсафаси, тасвирий санъат, ва албатта, тиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий-бадиий ҳодисадир.” Кўғирчоқ театри сценарийлиги замонавий тасвирий санъатда кечаётган ҳар бир ўзгариш ва янгиликлар билан узвий боғлиқ. Шу каби янгилик ва изланишлар натижасида юқори савияли спектакллар саҳналаштириб, қатор нуфузли танловлар голиби бўлиб келаётган театрлардан бири Бухоро давлат кўғирчоқ театридир.

КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ: БУ ШУНЧАКИ ЎЙИН ЭМАС

Маълумки, кўғирчоқ театрида сценарий-рассомнинг меҳнати бебаҳодир. Унинг индивидуал ёндашуви спектакль сифати, ғоя ечимига ижобий таъсир кўрсатади, режиссёр концепциясига муносабати спектаклнинг тасвирий сифати ва олий мақсадни томошабин қабул қилишига жавоб беради. Сўнгги йилларда мазкур театрда бош рассом вазифасида фаолият олиб бораётган Эркин Жўраев ҳамда Завқиддин Ёдгоровнинг маҳорати “Чодир жамол”, “Оҳанг ва офат”, “Широқ афсонаси” каби спектаклларда ёрқин намоеъ бўлган.

2015 йили саҳналаштирилиб, Андижон шаҳрида бўлиб ўтган Республика кўғирчоқ театрларининг Хаммаёвнинг кўғирчоқ фестивалида биринчи ўринни олган “Широқ афсонаси” спектакли тасвирий ечимини рассом З.Ёдгоров режиссёр Шомурод Юсупов йўналишидан келиб чиқиб бойитган. Ватанпарварлик руҳида яратилган асар ёш авлодга қаҳрамон аждодлари ҳаётидан сўзлайди. Рассом кўғирчоқлар ва уларнинг либослари эскизини яратишда тарихий манбаларга асосланган. Бу борада кўғирчоқларнинг планшет туридан фойдаланган. Спектаклда ишлатилган икки планли ширма — декорация ҳам ўша давр муҳитини тўлиқ акс эттирган. Рассомнинг режиссёр ғоясига масъулият билан ёндашуви “Широқ афсонаси” спектаклининг эътироф этилишига омил бўлди.

2017 йилнинг август ойида театр жамоаси ёзувчи Ч.Айтматов асари асосида Т.Мирзанин “Манкурт” асарини саҳналаштириб, томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Режиссёр Ш.Юсупов ва рассом З.Ёдгоров ҳамкорлигида яратилган навабдаги асар чуқур фалсафий-психологик мавзуда бўлиб, ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат ғояларини илгари суриши билан ҳам аҳамиятлидир. Ушбу спектаклда ҳам кўғирчоқларнинг планшет тури танланган. Спектаклда никоҳ тақдирининг жонли иштирокидан фойдаланилган. Воқеалар кетма-кетлигида манкуртга эврилиётган қаҳрамон кўғирчоқ тимсолига айланишини кўрамиз. Бу икки образнинг либослари, кўриниши бир хил ишланган. Декорацияда ой тасвири ишлатилган. Кейинчалик



ой тимсолида қаҳрамоннинг онаси руҳи кўрсатилади. У ой билан суҳбатлашиб, акли бироз тиниклашган, ўзини бу ахволга солган, онанинг жонига қасд қилишга мажбур қилган душмандан ўч олиб, бошидаги тери копламасини олиб ташлаб, жон таслим қилади. Спектаклда ишлатилган сарик, қора ранглар асарнинг психологик-эмоционал руҳини очишга хизмат қилган. Сценарий-рассом асарда тасвирий ечим, ранглар ва образларнинг ўзаро таъсири орқали икки конфликтга эришган. Режиссёрнинг воқеалар кетма-кетлигидаги танловли спектаклнинг ғоявий ечимига жуда мос тушган.

Истеъдодли режиссёр ва рассом саҳна асари яратганида унга янги техника ва тасвирий ечим билан ёндашди. Саҳнада аниқ ва керакли буюмлар ишлатилиши, уни ёритиш сифати, тасвирий ечимнинг асар мақсадига мутаносиблиги, кўғирчоқларнинг асар ва декорацияга мос ҳажмда бўлиши, спектакль учун мақбул механизация танланиши, ширма қурилмасининг энг мақбули ишлатилиши ижодий жамоа учун эркин муҳит яратди. Ижодий изланиш шундай нозик жараёни, жамоада ўзаро ҳамкорлик руҳияти ҳукмрон бўлиб, рассом учун эркин муҳит яратилса, режиссёрнинг концепцияси асосида асарнинг тасвирий бадиий ечимини мукаммал кўриниш касб этади. Бугунги кунда ушбу муаммага ечим қидираётган Бухоро давлат Кўғирчоқ театри бошқа вилоят кўғирчоқ театрларида ўрнатилган бўла олади.

МУЛОҲАЗА

Хўш, республикамиздаги мавжуд кўғирчоқ театрларда шундай ҳамжихатлик руҳиятини яратиш учун нима қилиш керак? Режиссёр ва рассомлар ижодини янги босқичга кўтариш йўлида асосан нималарга аҳамият бериш лозим? Санкт-Петербургда

ҳар икки йилда мамлакат кўғирчоқ театрлари сценарийларининг ширма ва унинг замонавий конструкциялари, замонавий кўғирчоқ театрида мавзу, кўғирчоқлар механизацияси каби масалалар юзасидан ўтказиладиган тадбирлар бу саволларга жавоб бўла олади. Мазкур тадбирлардаги очик мулоқот жараёни ширма декорациялари учун янги инновацион таклифлар, кўғирчоқ конструкцияларининг мукаммаллашуви, драматургия мавзулари юзасидан атрофлича баҳс-мунозаралар, маҳорат дарслари тарзида ўтказилади. Бундай ёндашув театрларда мавжуд хато-камчиликларни сарҳисоб қилишда, уларни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди. Худди шундай тадбирларни ташкил этиш, республикамиз кўғирчоқ театрларининг сценарийлари, режиссёрлари, драматургларининг ўзаро фикр алмашувини йўлга қўйиш мақсадида ҳар икки йилда бир марта, юқорида айтиб ўтганимиз каби, очик мулоқотлар йўлга қўйилса, бу театр сценарийлиги ва спектакллар сифатининг ошишига хизмат қилган бўларди.

Феруза ҚОБИЛОВА,
Миллий рассомлик ва дизайн
институтини ўқитувчиси

ҚАДРДОН ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ

қолдирди. Самимий ва дўстона қабул учун миннатдорлик изҳор қиламан.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков ўзбек ва татар халқлари ҳамкорлиги ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Биз халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақида кўп ва ҳў гапиришимиз мумкин. Қадимдан бизни бағрикенглик, меҳмондўстлик, бир-бирини тушуниш, ўзаро ёрдамлашиб каби фазилатлар боғлаб келади. Ўзаро алоқаларимиз давомида бизларни тилимиз, динимиз бирлаштириб келади. Шунини айтиш керакки, кейинги икки йил ичида Ўзбекистон ва Татаристон Республикалари Президентларининг оқилона

ри бунинг ёркин далилидир. Бизнинг дўстлигимиз абадий ва бузилмасдир.

Келаси йили Татаристон Республикаси ўзининг 100 йиллигини ва Бутунжаҳон татар конгресси ташкил топганининг 30 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан икки халқ Наврўз, Мустақиллик, Сабантуй ва бошқа анъанавий байрамларни биргаликда икки мамлакатда ўтказиш масалалари бўйича фикрлашиб олинди.

Тантанали тадбир бошлангунга қадар Татаристон делегацияси театр директори Махмуд Муратов ҳамроҳлигида ўзининг 90 йиллигини нишонлаётган театр тарихи билан танишди, “Татаристон Республикаси замонавий тасвирий санъати” кўргазмаси ҳамда етакчи татар халқ амалий санъати усталари ва хаттотлари асарлари намойиш этилди.

Ишлари намойишга қўйилган рассом-хаттот Гулнор Исмагилованинг

Қамолдин Абдуллаев билан кўпдан танишман. Улар билан Жазоирда кўргазмада танишганмиз. Ўзбекистонга келишгани, эртангамо шаҳарларини кўришни орзу қилардим. Орзуим ушалгандан хурсандман”.

Катта театр саҳнасида намойиш этилган концерт дастурини йиғилганлар гулдурас қарсақлар билан олқишлаб турдилар. Ҳатто дастур тугагандан сўнг ҳам томошабинлар узоқ вақт театрнинг тарк этидилар. Ўзбек ва татар халқларининг мулоқоти давом этди.

26-27 сентябрь кунлари эса юртимизда Татаристон кунларининг давоми сифатида Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида Буа шаҳри давлат драма театри энг яхши спектакллари намойиш этилди.

Ф.ФАХРУТДИНОВА

Ўзбек цирк санъатини санъаткорлар сулоласининг етук вакили, мохир чавандоз Ҳасан Зарипов ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Умрининг юзичи ўн йиллигига қадим қўйган санъаткор нафақат мамлакатимиз, балки дунё цирк майдонларида сеvimли тулпори билан чавандозликнинг турли ўйинларини кўрсатиб, доврғ қозонди. Ҳ.Зарипов машҳур Карим қизик ва Муборак Зариповлар оиласида туғилган. Унда чавандозликка кизиқишни ота-онаси уйғотди ва улар устозлик қилишди. Чавандозлар суло-



ласини Ҳ.Зариповнинг ўғли, қизи, набиралари ва жиялари давом эттириб, Ўзбек цирк санъати доврғини дунёга намойиш қилишда толмай изланмоқдалар.

Кунини кеча Ўзбек давлат циркида машҳур сулоланинг хизматларини яна бир бор эътироф этиш ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Ҳасан Зарипов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди. Унда чавандознинг дўстлари, мухлис-

лари, турли вазирилик ва идораларнинг вакиллари, санъаткорлар, цирк санъати намояндалари, сулола вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков устоз ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон халқ артисти Ҳасан Зарипов миллий цирк санъатининг асосчиларидан биридир. Бутун устоз санъаткорнинг таваллуд кунини ва ижодий байрами. Бу инсон ҳақиқатан ҳам Ўзбек циркига тамайл тошини қўйди. Уни халқимизнинг улуғ санъаткори десак муволафа бўлмайди. Устоз! Мамлакатимизда ҳамда дунё цирк ареналаридаги шоғирдларининг орасида қутлуг ёшинини ўзининг байрамидек нишонлаётганлар бор. Сиздан таълим олиб, ҳаёти ва ижодини шакллантираётган шоғирдларининг бисёр. Бутун Ўзбек халқи сиз билан фахрланади.

Моҳир чавандознинг жияни, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек цирк салтанатининг маликаси Карима Зарипова устоз ҳақида дил сўзларини шундай баён этди: “Мен тоғам ҳамда устозим Карим Зарипов билан фахрланаман. Тоғамдан чавандозликнинг сир-асорларини ўргандим. Сулоламизнинг давомилигида у кишининг хизматлари бекиёс”.

Табриklar шодиёналарга улаиб, чавандознинг шоғирдлари тайёрлаган цирк ўйинлари намойиш этилди. Жумладан, дордаги турли чиқишлар, масҳарабозларнинг қувнок томошаси, чавандозларнинг юксак маҳоратлари байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Сарвара ҚОСИМОВА

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Хаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.
Абдурахмон ЖОМИЙ

Қарши – файз-баракотли, жаннатмонанд
гўзал шаҳар. Қаршидаги 5-сонли ўрта мак-
табда саводим чиққан. Мактаб ва ўқитувчи
ҳақидаги меҳрга лиммо-лим хотирларим
шу даргоҳ билан боғлиқ. Болалик ёди умр-
нинг кейинги босқичларидаги таассурот-
ларга қараганда анча залворли ва ёрқинроқ
бўлади.

Йиллар бир-бирини қувиб, даврлар, ту-
зумлар ҳам ўзгарди. Ҳаёт қувончлари ва
ташвишлари ичда умр туллари шунчалик
тез еладик, тўхтаб, бироз ортга боқишга
фурсат топилмади, гўё. Қадрдон мактаб-
ним ва унда менга сабоқ берган ўқитувчим
Бўритош опа Носирова билан қарийб ўттиз
йилдан сўнг қайта учрашиш тақдир кито-
бимда битилган экан. Яратганининг ушбу
марҳаматидан ҳаяжонларимни сўз билан
ифодалаш мушкул!

Бегубор болалик тасаввуримга кўра,
мактабда таълим берган устоз – дунёдаги
энг оқила, доно ва меҳрибон зотлардан бири
саналади. Орадан шунча йиллар ўтиб, Бўри-
тош опа билан учрашган, бу фикрим буткул
ҳақиқатга яна бир қарра ишонч ҳосил қил-
дим. Бўритош опа бизга Ватан, она, кўёш,
табиат ҳақидаги сабоқларини содда тил ва
меҳрли оҳангларда баён этарди. Болаликда-
ги ўқитувчинг – болатабият бўлади-да.

Энди эса қаршимда маънавият, эътиқод
ва эзгуликлар ҳақида оҳанраболи сўзловчи
оқила муаллима-устоз турарди. Бўритош опа
энди бепоян ҳаёт илмининг муаллими, мен
учун янада юксак макомдаги устоз эканли-
гини англадим. Ҳар бир одамдаги ёруғ, ҳик-
матли, ҳосиятли сифатларини илғай оладиган,
уларни дунда, ширин ва меҳрли сўзлар ила
баён этувчи истеъдодли адиба – Бўритош
Носировани ана шундай қалб кашф этдим.

“Умр – яхшилик ва яхши амаллар қил-
лишимиз учун берилган омонат, унинг ҳар
бир дақиқаси ғанимат. Инсон умри абадий
эмас, лекин дунёда шундай инсонлар бор-
ки, бевафо, муваққат, ўткинчи ҳаёт лаҳ-
заларини безаволлик ёғдуларига чулғаб
ятмайди”, дейди опа.

Бу ҳаётини дастур фақат озаки сўзлар-
дан иборат эмас. Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси Бўритош Носирова қала-

мига мансуб “Бир даракнинг икки новда-
си”, “Сунъи тоғлар”, “Битилмаган дoston-
дир бари”, “Ёруғ хотира” каби китоблар-
да юқоридаги шорнинг амалий ифодаси
ёрқин акс этган. Муаллимамиз бутун ўн-
лаб китоблари орқали юз минглаб инсон-
лар қалбига зиё, маърифат таратаётди.
Яшанг, умрингиз узок бўлсин, устоз.

Айниқса, замондош ижодкорлар
ижодини зийраклик билан кузатиб бори-
ши, янги асар чиққанида муаллиф билан
баравар қувониши, ҳамкасблар ижодини
баҳоли қудрат тарғиб этиши таҳсинларга
лойдик. Опанинг битикларида меҳр, эзгу-
лик, фахр, гуруҳ-ифтихор каби туйғулар
балқиб туради, булар дархол ўқувчига

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

ҳам юкади. Бўритош опа
Ватан ва ундаги инсонлар
ҳақида шунчаки ёзмай-
ди, бу битиклар гўё ёқим-
ли оҳанг таратаётгандек
таъсирчан, қофияли шеър
мисол енгил ўқилади. Ана
шундай ноёб фазилатлари,
жонқуярлиги боис, атоқ-
ли шоир Абдулла Орипов
уни жуда хурмат қиларди.
Уларнинг самимий дўстли-
ги, қиёматли ака-сингил-
лик муносабатлари жуда
ҳам ярашқили, ҳавас қил-
гулик эди. Фақат байрам-
ларда, китоблари чиққан яхши кунлар-
дагина эмас, энг узоғи билан ҳар ҳафта-
да бир-бирини йўқлаб, хабар олинимаса,
ака-сингилнинг кўнгли сира тичимас-
ди. Бўритош Носирова, мутафаккир шоир
ҳақида меҳр ва фахр ила мақолалар ёзади,
бу изланишлари шоир ижодий дунёси ол-
дида бамисоли денгиздан томчи эканини
кўп таъкидлайди. Шу ўринда немис му-
тафаккири Гётеннинг: “Кимни мактасанг
– ўшанга тенг бўласан”, деган ибораси
беихтиёр эсга тушади.

Абдулла Орипов унга бағишланган
“Сингил” номли шеърда шундай ёзган:
**Кўёш ботиб кетган, шом эди қаро,
Ҳаёлий мактубини йўқладим сенга.**



ларни севиш, фахр-ифти-
хор туйғуларини уфурди.

Бўритош Носирова
ижодининг бош мавзу-
си “Инсонни севиш” деб
номланади десам, хато
бўлмас. Ҳаётга, одамларга
қайнок меҳр билан қара-
ган инсоннинг юзи нурли,
сўзлари таъсирли, ёзган
сатрлари эса юраклардан
жой олади. Қаршига кел-
ган шоирларнинг Бўри-
тош опа хонадонига меҳ-
мон бўлиши, шеъронлиқ
ва дилкаш сўхбатлар

уюштириш кўп йиллар давомида ўзига хос
одадга айланган. Азиз меҳмонлар кўнглини
олиш, иззатини ўрнига қўйиш бу хонадонда
азалий анъана саналган.

– Азалдан Гафур Гуломнинг меҳмон-
дўстлигига, унинг ҳовлисида доимо ижод
аҳлининг жам бўлишига жуда ҳавас қи-
лардим, – дейди Бўритош опа. – Раҳматли
отамдан менга мерос қолган боғ-ҳовлимиз
бўларди. Имкониятдан келиб чиқиб, шу
жойини меҳмонларга атагандик. Пойтахт-
дан келган ҳамкасблар, ижодкорлар меҳ-
монхонага тушмасдан, тўғри шу ерга кел-
лишарди...

Ана шундай меҳрибонлиги давларларда
янги шеърлар туғилган, асарлар муҳо-

кама қилинган. Пойтахтда истикомат
қилувчи қаламқашлар ҳануз ўша файзли
дамларни эслаб туришарди.

Ҳаёт йўллари доимо текис ва раван
бўлавермайдилар. Бу ҳақиқат, жамийки инсон
зоти учун умумий қоида, дейиш мумкин.
“Яратган ҳар бир бандасига кучи ва тоқа-
ти еттулик машаққат ва синовлар ҳам бе-
ради”, деган мазмундаги ҳадис бор. Бундай
синовлар Бўритош опани ҳам четлаб ўтма-
ган. Талотўп замон ноҳақликларини, фарзанд-
ларининг иш ва турмушидаги чигаллик-
ларга қайси она бефарқ қарай олади?

Турмуш муаммолари қай тарздадир
инсоннинг дунёқарашинда, фикрлашида,
хатто ташқи киёфасида акс этиши ҳам бор
ҳақиқат. Аммо Бўритош опанинг сийрати-
да муаммолар акси кўринмади. Шундай
кезларда қалам ва қоғоз унинг кирдиши,
маслаҳатгўйи ва овуночиги бўлди. Қархи
кажрафторнинг тескари ишларидан шикоят
оҳангини атрофдагиларга асло сездирмади.
Ажабки, турмушнинг долғали ва беҳаловат
кунларида ҳам қаламидан нурли ва меҳрга
йўлланган сатрлар тўқилди. Бунинг учун
қанчалик матонат, сабр ва ирода кераклиги
опанинг ўзига ва Яратганга аён.

Жорий йилда хизмат сафари билан
Қаршига бордик. Ҳамроҳим, адабиётшу-
нос олим Хондамир Қодирий (улўғ адиб
Абдулла Қодирийнинг набираси) “Қарши-
га келиб, опани кўрмасдан қайтмайлик”,
дея бот-бот эслатади. Баҳорнинг энг гўзал
палласи, ҳаммаёқ яшилликка бурканган.
Найсон ёмғири ёғар, опа билан суҳбатимиз
давом этар... ва бизни тadbирга қорлаган
меҳмонлар кутиб туришарди. Ниҳоят, “Бу
ёмғир Яратганининг барокоти, ёмғир ёғиб
турган пайтда Аллоҳдан сўралган тилак-
лар, албатта, ижобат бўлади”, дея узок дуои
фотиҳа ўқиб, сўнгра бизни кузатишарди. Ана
шундай дово аёл, бизнинг Бўритош опамиз!

Ўттиз йиллик учрашувдан сўнг қадрдон
устозимни қайта топганимдан беҳал севи-
дим. Зеро, донишмандлар сўзича, “Тақдир
ҳеч кимни ҳаётингизга беқорга олиб кел-
майди. Дўстнинг ҳам, душманининг ҳам,
хатто ярим соатлик танишининг ҳам ҳаётин-
гизда қандайдир ўрни ва вазифаси бор”.

Демак, сабоқлар давом этади.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-мактабнинг бошланғич синф
ўқитувчиси Дилдора Мирзаахмедова шогирдлари давларида.

Мавсума МАНСУРОВА



**Мактаб – билим ўчоғи,
Асло ўчмас чироғи.
Қалбининг ёритида
Кундуз ҳам оқшом чоғи.**

**Мактаб бу – ҳаёт боғи,
Мактаб – билим булоғи.
Билим ол, чанкамайсан
Сахрода сафар чоғи.**

**Мактаб – денгиз қучоғи,
Чорлаб турар маёғи.
Машаққатдан қўрқмасанг,
Яқин йўлнинг йироғи.**

**Ҳаёт – сўврат қуроғи,
Турли-туман бўёғи.
Билим ол, яхшилик қил,
Юракда қолмас доғи.**

**Илму ҳунарнинг тоғи,
Йўқдир унинг адоғи.
Тоғни ҳам кемиради
Ўқувчининг чанқоғи.**

Тахайюл ранглари

Тахайюл ранглари, ҳаёл ранглари
Чўлғайди доимо эсу ҳушимни.
Қўнпроқдек янграб келб жанарларни,
Орулар банд айлар ўнгу тушимни.
О ҳаёл, бунчалар бегубор, нафис,
Оппок қордан ҳам соф,
нурдан ҳам тоза.

Бахш этади севги, ёруғ туйғу, хис,
Меҳр бердим дея қилмас овоза.

О ҳаёл, осмонга учар опичиб,
Истаган нарсангини айлар муҳайё.
Қуш каби бир зумда кетади учиб,
Бир зумда ёнингда бўлади пайдо.

Истасанг, аёзда келтирар баҳор,
Яқин бўлиб қолар дафъатан йироқ.
Ҳаёлга юракни этавер изҳор,
Орзунг ушалади, йўқолар фироқ.

Ҳаётда турфа хил ранглар кўп, аммо
Тахайюл ранглари

хилма-хил, беҳал.
Янги ранг кашф этар ҳаёл доимо,
Ҳаёл билан нурли бу дунё абад.

Кўз

Боглар ловуллайдилар
мисли гулҳандек,
Япроқлар таңдирга ёпилган нондек.
Хазонлар – ўчоқда ёнаётган чўғ,
Бирок бу аланга негадир совуғ.
Осмода янгради турналар охи,
Фалакдан ёприлди хазон сипохи.
Хирмонлар бошида тошу тарози,
Дехқонлар бу йилги хосилдан рози.
Меҳнатнинг бўлади кузда сарҳисоб,
Химматининг айлар кўз хисоб-китоб.
Куз фасллар ичра ўйчан ва маъсум,
Хазинаси бисёр, бадавлат мавсум.
Баҳор фасли гуллаб-яшнаб куз учун,
Ёз мевага асал қўшар куз учун.
Куз ноз-неъмат, бойлик,

олтин соҳали,
Тўқин-сочин, шохона базм очади.
Кўш зор йиллаб, кўз изидан чопади,
Куз эгинга қалин мўйна ёпади.
Мен кўз очиб, кузда қўрдим дунёни,
Қўли очик, сахий меҳри дарёни.
Куз ўқшайди таңги отажонимга,
Куз ўқшайди мунис онажонимга.

НАРКОТАҲДИДЛАРГА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ТЎСИҚ ҚЎЙИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асо-
сий максалларидан бири – инсониятга хавф туғди-
раётган иллатларга қарши курашишда ташаббус
кўрсатиш ва давлатларни ушбу максаллар йўлида
бирлаштиришдир.

Бутунги кунда дунёда терроризм, экстремизм каби
хавф-хатарлар қаторида наркотрафик ҳам туради. Таъ-
бир жоиз бўлса, бу учинчи хавф ҳаммасидан хатарлироқ
бўлиб, нафакат одамларни жисман, руҳан ожизлашти-
риб, кўзлаган максалларидан адаштирибгина қолмай,
йирик миқдорда маблағ тўплаш воситаси ҳамдир. Шу
йўл билан топилаётган маблағлар эса биринчи ва ик-
кинчи хавфни молиялаштиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам БМТ гиёвандлик ва нарқожи-
ноятларга қарши курашиш бўйича изчил фаолият
юртимоқда. Шу максалда конвенция ва резолюция-
лар қабул қилинган. БМТ гиёвандлик моддалар бўйи-
ча комиссиянинг 6 (XXV) резолюцияси ва ЭКОСОС
кеңашининг 1776 (LIV) резолюцияси мувофиқ 1973
йилда Яқин ва Ўрта Шарқда гиёвандлик моддалар савдо-
си бўйича қўйи комиссияси ташкил этилган.

Мазкур комиссиянинг 54-сессияси жорий йил 23-27
сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтмоқда.
Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган бу йирик ан-
жуман Яқин ва Ўрта Шарқда гиёвандлик моддалар сав-
досига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада
куचाитиришни мақсад қилган.

23 сентябрь кунин Тошкентдаги “Wyndham
Tashkent” меҳмонхонасида ўз ишини бошлаган сессия-
да Афғонистон, Озарбайжон, Арманистон, Баҳрайн,
Германия, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозғистон,
Қувайт, Қирғизистон, Ливан, Покистон, Россия, Тожи-
кистон, Буюк Британия, АҚШ, Яман каби давлатлар-
дан вакиллар, халқаро ташкилотларнинг экспертлари
иштирок этмоқда.

Анжуман очилишида Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳамидов гло-
бал муаммолардан бири бўлган гиёвандликка қарши
курашишга Ўзбекистон давлати раҳбарияти доимий
эътибор қаратаётганини таъкидлади. Бу борада халқаро
ташкilotлар, жумладан, БМТ билан фаол ҳамкорлик
йўлга қўйилган. Айниқса, БМТнинг наркотиклар ва жи-
ноятчилик бошқармаси билан ҳамкорликда амалий чо-
ра-тадбирлар қўрилмоқда. Ўзбекистонда гиёвандликка
қарши курашиш бўйича комиссия фаолият юритмоқда.
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни
назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ушбу
соҳада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб
бормоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўл-
га олинаётган наркотик моддаларни йўқ қилиш тадби-
ри мунтазам ўтказилмоқда. Наркоҳақидлардан аҳоли,
ёшларни муҳофаза қилиш максалида оғоҳликка чо-
ловчи тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилмоқда. Гиёх-

вандликка қарши курашишни қучайтириш мақсадида
ташкил этилган йирик форум ушбу йўналишда янги
босқични бошлайди.

Йиғилишда БМТ гиёвандлик моддалар ва жиноятчи-
лик бўйича бошқармасининг ижрочи директори Юрий
Федотовнинг фикрлари иштирокчиларга ўқиб эшитти-
рилди.

Ижрочи директор йирик анжуманинг Тошкентда таш-
кил этилгани учун имконият яратган Ўзбекистон раҳбария-
тига миннатдорлик билдирган. Ушбу сессия мамлакатларга
минтакавий ҳамкорликни мувофиқлаштиришни, айниқса,
Афғонистонда гиёвандлик моддалар ишлаб чиқаришнинг ре-
корд даражалари ва бу билан боғлиқ муаммоларни ҳисоб-
га олган ҳолда таҳлил қилиш учун яхши имконият беради.
Қўйи комиссия йиғилишининг иштирокчилари гиёванд
моддалар муаммоси билан боғлиқ таҳдидларга қарши ку-
рашиш бўйича миллий ва халқаро миёсдаги саъй-ҳаракат-
ларни қучайтириш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгай-
тиришдан манфаатдор.

БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бошқарма-
сининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Нарко-
тик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил
маркази ташкилотчилигида ўтаётган тадбирда гиёвандлик
моддалар савдосига қарши курашда минтакавий ва қўйи
минтакавий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва бу билан
боғлиқ бўлган бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда.

Муаммони ҳал қилиш ҳар томонлама, кўп тар-
моқли, бир-бирини тўлдирувчи, мувозанатли, илмий
асосланган ва комплекс ёндашувни талаб қилади. Шу
мақсадда кенг форматли ушбу йиғилишда гиёвандлик-
ка қарши курашишда тезкор маълумот алмашиш-
ни янада ривожлантиришга аҳамият берилди. Чунки
минтакавий ҳамкорлик платформаларининг ролисиз
наркотик моддалар айланишига чек қўйиш мушкул.

Синтетик опиоидлар ва синтетик каннабиноидлар-
нинг ноқонуний савдоси ва унга қарши кураш чорала-
рини қучайтириш бўйича янги услубларни яратиш ва
амалда жорий этиш бўйича фикр алмашилди. Чунки
наркотик моддалар бутунги кунда бошқа ном ва бошқа
кўриниш олиб, таъсир доираси ўсиб бормоқда.

Опиат моддалар ишлаб чиқариш ўчоқларига бар-
ҳам бериш, бу борада юзга келаётган муаммоларнинг
ечини таътиб қаратилади.

Гиёвандлик моддаларини истеъмол қилишни олдини
олиш, айниқса, болалар ва ёшларни бунинг оқибатларин-
дан огоҳ этишга оид тарғибот тадбирларини қучайти-
ришда таъсирчан услубларни қучайтириш зарур.

Ушбу мавзулар беш кун давом этадиган йиғилиш
иштирокчилари томонидан ишчи гуруҳларга бўлинган
ҳолда батафсил қўриб чиқилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассас:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкорларимиз:

akfa

Бош муҳаррир
ўринбосари

Бахтиёр
ХАЙДАРОВ

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Тахририятга келган кўлхазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга
қайтариб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Гулҳеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5693. Буюртма Г - 955.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 5 6

Санъат бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ

Сотувда нархи эркин.



Босмаҳона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 20.00

ISSN 2182-134X

4 772 131 1 14 000